

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العلمين و العاقبة للمتقين  
والصلوة والسلام على رسولنا محمد  
و على اله و اصحابه اجمعين. اما بعد:

Ойларнинг ичида энг улуғ ва фазилатларга бой бўлган Рамазони шариф ҳам ўтиб борапти. Аллоҳга беадад ҳамду санолар бўлсинки, диёри-миз мусулмонлари Рамазон рўзасини тинчлик-осойишталик, бағри бутунлик билан тутяпдилар. Масжидларимиз хатми Қуръон баракоти билан янада серфайз бўлди.

Аллоҳ таоло мўминларга бу ойда рўза тутиш-ни буюриш билан Ўзининг чексиз раҳматини ёғдирган. Аллома бобомиз Абубакр Қафқол Шоший, раҳматуллоҳи алайҳ, Қуръони каримнинг рўза ҳақидаги (*Бақара, 183–185*) оятларини шундай шарҳлаганлар:



**Абдурашид қори БАҲРОМ,**

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий*

зийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: *«Расуллуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Қайси бир банда бир кун Аллоҳ йўлида рўза тутса, мана шу бир кунлик рўзаси сабабли Аллоҳ таоло уни дўзахдан етмиш йиллик масофага узоқлаштиради».*

Рамазон рўзасини тутиш Аллоҳ таолонинг амри бўлгани учун ҳам у инсонларни сабр-қаноатга ва бир-бирларига доимо яхшилик қилишга ўргатади. Жамиятда тинчлик-хотиржамлик таъминла-нишига беқиёс таъсир кўрсатади.

## РАҲМАТ ВА БАРАКОТ ОЙИ

**«Сизларга рўза сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби фарз қилинди».** Демак, рўза орқали мусулмонлар аввалги умматларга эргаш-моқдалар.

**«Уни адо этсангиз, тақводор бўласиз...»** Де-мак, рўза тақво ҳосил қилишда бир сабабдир.

Рўза **“Саноқли кунлар”** дан иборатдир. Бу ҳам Аллоҳнинг ўз бандаларига улуғ бир марҳамати-дир. Аллоҳ таоло рўза учун Рамазон ойини тан-лади. Чунки бу ой Қуръон нозил қилинган энг улуғ ва мўътабар ойдир.

**“Аллоҳ сизларга энгилликни истайди, оғирликни истамайди”.** Аллоҳ бандаларини оғир азобдан қут-қариш учун рўзани уларга фарз қилди.

**“Сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардандир”.** Яъни, Аллоҳ таоло, уларга рўза тутиш (маълум сабаблар билан) машаққат бўлса, бошқа кунга кечиктиришга ҳам рухсат берди.


Абу Ҳурайра, розийаллоҳу анҳу, ушбу ҳади-си қудсийни ривоят қиладилар: *«Расуллуллоҳ, сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам, дедилар: Аллоҳ таоло айтадики: «Ҳар бир яхши амал учун ўн баробардан етти юз баробаргача савоб берилади. Аммо рўза мустасно, у мен учун тугилади, унинг ажрини ҳам Ўзим бераман».*

Бошқа бир ҳадисни эса, Абу Саид Худрий, ро-

Рамазон ойида қанча-қанча мусулмонлар фарз ибодат бўлган закотни ҳақдорларга берадилар, яна қанчалари фитр садақасини бериб, зиммала-ридаги бурчларини адо этадилар. Бу билан муҳ-тож мусулмонларнинг ғамларини кетказадилар.

Рамазон ойида Аллоҳ таолонинг раҳмат ва ба-ракотидан қалбларимиз, хонадонларимиз сурур-га тўлади. Аллоҳ таоло рўза тутган, Ўзига ибодат қиладиган бандаларининг гуноҳларини мағфи-рат қилади. Бу ой ичига яширилган Қадр кечаси ҳам Раббимизнинг биз бандаларига меҳрибон-лиги ва иноятидир. Уни топганнинг ибодатлари ва дуолари қабулдир.

Ва ниҳоят ҳайит... Мўмин-мусулмонларнинг улуғ байрами. Аллоҳ уни барчамизга муборак қилсин. Тугаётган рўзаларимиз, ўқиётган таро-вехларимиз ва ҳайитимизнинг гултожи бўлган ийи намозларимизни даргоҳида ҳусни қабул ай-ласин. Омиён!



МУНДАРИЖА

**Қутлов**  
Абдурашид қори БАҲРОМ  
**Раҳмат ва баракот ойи** ..... 1

**Наҳйи мункар**  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
**Эътиқодга ҳурмат**.....5

**Анжуман**  
Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС  
**Меҳр-оқибат ва бағрикенглик** ..... 6

**Мулоҳаза**  
Баҳодир НУРМУҲАММАД  
**Ўзни англаш саодати** ..... 7

**Фиқҳ бурчаги**  
Акмал АВАЗ  
**Қизиқарли қондалар** ..... 14

**Муносабат**  
Ҳидоят йўлидан адашманг ..... 18

**Рангин туйғулар**  
Раъно РАҲМОН қизи  
**Онамнинг бисоти**.....22

**Мактуб**  
Дилшода ШАФОАТ қизи  
**Илмсизлик** ..... 23

**Сўранг, жавоб берамиз** ..... 25

**Оила одоби**  
Муҳаммад Аҳмад КАНЪОН  
**Эр-хотинлик асослари** ..... 26

**Ўқувчи фикрлайди**  
Шуҳрат ҚОДИРОВ  
**Орадан илм кўтарилса** ..... 29

**Рамазон қувончи**  
Маҳмуд МАҲКАМ  
**Умримиз боғлари яшнасин** ..... 30

**Адабий таҳлил**  
Комилжон РАҲИМОВ  
**Моҳирона санъат билан** ..... 31



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Амри маъруф

4

## РАМАЗОН ҒАНИМАТ

Рамазон охиратга ҳозирлик кўрадиган, қалби ёмонликлардан саломат, аъзолари тўғри йўлда, умрни зарарли ёки бефойда ишларга зое этмаган кишилар учун гуноҳлар мағфират қилинадиган, жаннатлар очиладиган, дўзахдан нажот топиладиган ойдир.

Маърифий суҳбатлар

Абдул Азим ЗИЁУДДИН

8

## «АГАР РОСТГҲЎЙ БЎЛСАНГИЗЛАР...»



«Сийрати набавийа» китобида келтирилади: «Одамларда Қуръонни тинглашга иштиёқ шу даражада кучли эдики, ҳатто Қурайш мушрикларининг баъзилари тунда, яширинча Расулulloҳнинг уйлари олдида келиб, тонггача Қуръон тиловатига қулоқ солиб чиқишарди».

Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

12

Қориларга дипломлар

IINA хабар қилади: Исломи уюшмасининг Қуръони каримни ёдлаш ташкилоти Каломуллоҳни ёд биладиган икки ярим минг нафарга яқин қориларга махсус дипломлар берди.



Имомларимиз ижодидан  
Абдулмутталиб ЗОМИНИЙ

13

## Нафсим менинг

Нафсим менинг, мутмаиннам, азизим бўл,  
Лаввомаю амморадан табибим бўл,  
Аллоҳ зикри билан ҳар дам ҳабибим бўл,  
Жаннат бўлсин сенга бир кун жазо, нафсим.


Насиҳат

16

## НАЖОТ АРҚОНИНИ МАҲКАМ УШЛАНГ

Ваҳб ибн Мунаббаҳга  
айтилди: «Жаннатнинг калити  
«Ла илаҳа иллаллоҳ»  
эмасми? У киши айтдилар:

«Худди шундай, лекин  
ҳар бир калитнинг тишлари  
бўлади. Кимки жаннат эшигига ўша тишлар  
билан кела олса, унга эшик кенг очилади.



Дархона  
Муҳаммад СИДДИҚ

24

## Ҳайит намозлари

Такбири ташриқ айтиш вожибдир. Уни айтиш  
Қурбон ҳайитининг арафа кунидан, яъни Зул-  
ҳижжа ойи тўққизинчи кун бомдоднинг фарз  
намозидан сўнг бошланиб, ўн учинчи кун ас-  
рининг фарзидан сўнг тугатилади. Ҳаммаси бўлиб  
ийгирма уч фарз намозидан сўнг айтилади.

Зиёрат

32

## МАСЖИДУЛ АҚСО

Милодий 638  
йили Ҳазрати  
Умар, розийал-  
лоҳу анҳу, даври-  
да Қуддус фатҳ  
этилгач, Байтул  
Мақдис ўрнида  
Масжидул Ақсо  
қурилди.



### «HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Сирожиiddин АҲМАД  
Абдуқайюм ҲИКМАТ  
Нуриимон АБУЛҲАСАН  
Абдулжалил ХУЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ


Муқовани  
Абдулбоқӣ ИМОМХОН ўғли тайёрлади.  
Бадий муҳаррир  
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли  
Тартибловчи  
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли  
Мусаҳҳиҳа  
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:  
Фарғона вилояти — 8. 3732. 24-25-28  
Директори Салоҳиддин Нуриддин  
Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04  
Директори Ўктам ҳожи Умурзоқ  
Қашқадарё вилояти — 8. 37522. 4-64-06  
Директори Бозоров Рустам

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитасида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 00079.  
Босишга 2002 йил 7 ноябрда руҳсат берилди.  
Босмаҳонага 2002 йил 11 ноябрда топширил-  
ди. Қоғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 7939 нусха.  
201-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.  
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.  
Интернет почтамыз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Макет асл нусхаси Pentium-III  
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.  
Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар тўлиқ  
ёзилиши, манзил тўғри кўрсатилиши шарт.



## РАМАЗОН ҒАНИМАТ

Рамазон шундай улуғ ойки, унда жаннат эшиклари очилди, жаҳаннам эшиклари қулфланади ва шайтонлар кишанланади, Аллоҳ таоло бандаларини дўзахдан озод этади.

Рамазонда тавба қилишга азм этдингизми? Аллоҳга қайтишга, унинг амрларига бўйсунушга қарор қилдингизми?

Жамики маъсият ва мункар ишлардан халос бўлишга ният қилдингизми?

### Тавбани бошланг

Ишни тавба билан бошланг. Тавба йўлнинг аввали ва ниҳоясидир. У шундай манзилки, Аллоҳ сари йўл тутувчилар барча сафарларда унга маҳкам ўрнашадилар. Тавба, кўпчилик одамлар гумон қилганидек, фақат осийлар ва адашганлар манзили эмас. Тавба қилувчиларнинг

саййиди ва обидларнинг имоми бўлган зот — Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Эй инсонлар! Аллоҳга тавба қилинглар, зеро мен бир кунда етмиш мартаба тавба қилман”,* деб марҳамат қилганлар (Муслим ривояти).

Аллоҳ таоло бандаларини тавбага чақирган чоғида уларни имон сифати билан хослабнидо қилган: **“Барчангиз Аллоҳга тавба қилинғиз, эй мўминлар! Шояд (шунда) иқболли бўлсангизлар”** (Нур, 31-оят мазмуни).

Барчамизда гуноҳлар, хатокамчиликлар етарли. Тавба тийилиш, надомат ва яхшиликка азму қарордир.

### Вақтининг аҳамияти

Имом ибн Қоййум Жавзий айтган эканлар: “Аксар одамларнинг умрларини нималарга сарф этаётганларига қарадим. Узун тунлари фойдасиз гаплар ёки бефойда китобларни ўқиш билан, эрталаблари эса уйку-гафлат билан ўтмоқда. Кундузлари ё Дажла бўйида ёки бозорларда

ўтади! Уларни кемада гаплашиб кетиб бораётган кишиларга ўхшатдим. Уларда хайр, яхшилик йўқдир.

Тириклик маънисини фаҳмлаган инсонларни ҳам учратдимки, улар амал мавсумлари ўтиб кетмасидан вақтларини ганимат билиб сафарга озуқа жамлашга, тайёргарлик кўришга шошилиб юрибдилар...”

Салафлардан бирининг олдига ўлим тўшагида ётганида киришса, уни намоз ўқиётган ҳолда топишди. Шунда унга: “Ўзингизни кўп уринтирманг”, дейишганида: “Ҳали-замон амалларим саҳифалари ёпиладиган бўляпти-ку!” деган экан.

Инсон жидду жаҳд қилиб нимага эришса, амаллари шу билан якун топади. Ўлим уни амал қилишдан кесиб қўяди. Қилган яхшиликларининг ажригина ўлимидан кейин ҳам бориб туриши мумкин.

### Салафларимизнинг жидду жаҳдлари

Салафи киромларимиз ибодатларда беҳад тиришқоқлик кўрсатганлар. Шояд уларнинг ҳаётларига назар солиб, ибодатларда мустаҳкам бўлиш ва олиҳимматлик сифатларидан ибрат олсак.

\* Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, намозда узоқ турганларидан оёқлари шишиб кетарди. Буни эса, *“Ахир шукр қилувчи бандалардан бўлмайсизми?”* дея изоҳлар эдилар (Муттафақун алайҳ).

\* Ҳазрати Абу Бакр, розийаллоҳу анҳу, намоз ва Қуръон тиловатида жуда кўп йиғлар эдилар.

\* Ҳазрати Умарнинг, розийаллоҳу анҳу, ёноқларида кўп кўзёш тўкишнинг аломати бўлган қора чизиклар бор эди.

\* Ҳазрати Усмон, розийаллоҳу анҳу, Қуръони каримни нафл намозининг бир ракатида ўқиб тугатган вақтлари ҳам бўлган.



\* Ҳазрати Али, розийаллоҳу анҳу, меҳробда намоз ўқир эканлар, соқоллари кўзёшдан ҳўл бўлиб кетар ва: *«Эй мени чалғитган ва ғурурга-ҳаддан ошишга чақирган дунё, сен уч марталаб талоқсан, сенга қайтиш йўқдир!»* дер эдилар.

\* Ҳазрати Қатода, розийаллоҳу анҳу, ҳар етти кунда Куръонни хатм қилар эдилар, Рамазонда эса ҳар уч кунда, охириги ўн кунда эса ҳар куни ўқиб хатм қилар эдилар.

\* Саййид ибн Мусаййиб масжидни ўз уйи каби билиб, қирқ йил давомида жамоат намозини тарк этмаганлар.

### Рамазон ғанимат

Биласизки, дунё тожирлари мол-дунё жамғаришда ҳеч бир фурсатни қўлдан бой бермай тиришиб ҳаракат қилишади. Катта фойда келтириши мумкин бўлган ҳар қандай йўлдан фойдаланишади. Нима учун сиз Аллоҳ берган имкониятлардан фойдаланмайсиз? У зотнинг берадиган улкан савобларию катта муқофотларига ноил бўлиш учун тоат ибодатга, солиҳ амалларга шошилмайсиз?

Рамазон ана шу ниятда шошилувчилар, тақводорлар, охирага ҳозирлик кўрадиган сергак одамлар учун фурсатдир. У қалби ёмонликлардан саломат, аъзолари тўғри йўлда, истиқоматда мустаҳкам бўлган, умрни зарарли ёки бефойда ишларга зое этмаган кишилар учун гуноҳлар мағфират қилинадиган, жаннатлар очиладиган, дўзахдан нажот топиладиган ойдир.



Муборак Рамазон кунлари эди. Туш пайти бўлгани учун дам олиш баҳонасида ташқарига чиқдим. Қўзим бемалол музқаймоқ еб келаятган икки қизга тушди. Бунга эътибор берган менми десам, бошқаларнинг ҳам ғашига тегиб улгурибди. Ёши улуг бир отахон: «Қўзим, шу матоҳингни одамлар кўзидан сал четроқда есанг бўлмайдими, рўзадорларга зомин бўлмас эдинг», деб танбех берган бўлди.

Қиз ҳам «ҳақи»ни кетказиб қўймайдиганлардан экан, отага гап қайтаришга ботинмади-ю, ду-



## ЭЪТИҚОДГА ҲУРМАТ

гонасининг қулоғига нимадир деб пичирлади. Иккови шарақлаб кулиб юборди. Отахоннинг дили оғриди. Суриштирсам, қизларнинг иккови ҳам университет талабалари, устига устак ўзбек оиласининг фарзандлари экан.

Ана шу воқеа сабаб бўлиб, бундан анча йил олдин ўзим гувоҳи бўлган бир учрашув ёдимга тушди. Ўшанда мен ишлаётган комбинатга Масковдан бир меҳмон келди. То ишини битиргунга қадар тушлик вақти бўлиб қолди. Рамазон ойи бўлгани учун минг хил андиша билан уни ошхонага таклиф қилдик. Аммо меҳмон кўнмади. Сабабини сўрасак:

– Ҳозир сизларда ҳамма рўза тутаётган экан. Шундай бўлгач, биз ҳам халқнинг урф-одатини ҳурмат қилишимиз керак. Яхшиси мен дўкондан ул-бул харид қилиб, меҳмонхонада тушлик қила қоламан. Соат иккиларда идора олдида учрашамиз... – деб хайрлашиб кетди.

Мана бу воқеани эса бир танишим ҳикоя қилиб берган эди:

– Ҳарбий хизматни мен Олмониянинг Магдебург шаҳрида ўтаганман. Автоуловлар паркида қороллик қилардим. Ишим унча оғир эмас, икки киши навбати билан соқчилик қиламиз. Шеригим кўпинча кундузи, мен кечаси постда турардим. Бу орада рамазон ойи бошла-

ниб қолди. Командиримиз Степанов деган ўрис подполковник эди. Унга ўзимнинг мусулмон эканимни, агар иложи бўлса рўза тутмоқчилигимни, рўза Аллоҳ буйруғи эканини тушунтирдим. У: «Аллоҳнинг буйруғига биз ҳам итоат қиламиз», дея рўза тутишимга рухсат берди. Ҳатто хўжалик взводи командирини чақириб, саҳарлик учун бир ой давомида «сухой паёк» билан таъминлашга топшириқ берди. Икки йил армияда ҳам рўзани қазо қилмай тутишга муваффақ бўлдим.

Ҳар гал муборак Рамазон ойида шаҳримиз кўчаларида ҳамманинг кўз ўнгига бемалол музқаймоқ ёки сомса еб кетаётган, шундоқки-на йўл ёқасида иштаҳа билан овқатланаётган ёхуд, энг ачинарлиси, табаррук, гуноҳлар кечириладиган, дуолар ижобат бўладиган шундай ойда ичкилик ичиб, бошқа ношаръий ишларни қилиб юрганларни кўрганимда ўша икки кишининг динимизга бўлган ҳурматини эслайман. Асосий қонунимизда диндорнинг ҳам, динсизнинг ҳам ҳуқуқи, шаъни барабар ҳурмат қилиниши кўрсатиб қўйилган. Шунинг учун бундай ҳолатларда мусулмон ҳамюртларимизнинг ибодати ва эътиқодини эътиборга олиш ҳақида ўйлаб қўйилса, ёмон бўлмас эди.

Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН

Ҳожн Абдураззоқ ЮНУС,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Шу йилнинг 27—29 август кунлари Алмати шаҳрида “Ўрта Осиёда Исломи тарих ва ҳозирги замон” мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари ҳожн Абдураззоқ Юнус ҳам қатнашди. Қуйида унинг анжуман ҳақидаги ахборотларини ўқийсиз.

Анжуманни Абай номидаги Алмати Давлат университетининг ректори Т. Содиқов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Исломи олами уюшмасининг бош котиби Абдуллоҳ ибн Абдул Муҳсин ат-Туркий сўзга чиқди. Нотиқ Ўрта Осиёда яшаб ижод этган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Довуд, Маҳмуд аз-Замахшарий, Мусо ал-Хоразмий каби сиймолар қолдирган илмий меросни янада чуқурроқ ўрганиб, ҳаётга татбиқ этишга, шунингдек, улардан ўрнак олишга чақирди. У Исломи тинчлик, ўзаро ёрдам, осойишталик, бир-бирова иззат-ҳурмат дини эканини қайта-қайта таъкидлаб ўтди.

Умуман, анжуман ишида Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Русия, Мўғулистон, Саудия Арабистони ва Миср вакиллари иштирок этишди. Замонамизнинг пешқадам олимларидан Абдуллоҳ Мубашшир ат-Торозий (Миср), доктор Абдуллоҳ Муслиҳ (Исломи олами уюшмаси), доктор Саъд аш-Шаҳроний (Саудия Арабистони), доктор Абуллоҳ ибн Абдул Азиз ал-Хумайдий (Исломи олами уюшмаси), Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Исломи олами уюшмаси), Сайрам Қодир (Мўғулистон), Раҳматуллоҳ қори Қосим (Қирғизистон), профессор Саид Комил (Русия), Усмон Исҳоқ (Татаристон), устоз Абдураҳмон Искардар кабиларнинг маърузаларини анжуман аҳли катта қизиқиш билан тинглади.

Жумладан, доктор Абдуллоҳ Муслиҳ Исломи дини моҳияти, Исломи инсонларга меҳрибонлик, оқибат, бағрикенгликка беҳад катта эътибор берилиши ҳақида тўхталди. Унинг фикрича, динимизга даъват билан шу-

фулланадиган ҳар бир одам, албатта, тақво, ихлос, илм, тавозеъ (камтарлик), ҳилм (яхши муомала), кўрс-қўполликдан йироқ бўлиш, ҳусни хулқ каби фазилатларни эгаллаган бўлиши керак.

Анжуманнинг иккинчи куни “Тарихий алоқалар ва Ўрта Осиёда Исломи” мавзуга бағишланди.

Доктор Абдуллоҳ ибн Абдул Азиз ал-Хумайдий ўз сўзида Ўрта Осиё халқларидан етишиб чиққан мутафаккирларнинг Исломи тарихида жуда катта ўрни, мавқеи борлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, у Маҳмуд Фазнавийнинг бу борадаги хизмати алоҳида ҳурмат-эътиборга лойиқ эканини айтиб ўтди.

Мўғулистон вакили Сайрам Қодир мазкур мамлакатда ўттиз икки масжид борлиги, мусулмонлар жами аҳолининг олти фоизини ташкил этса ҳам, ҳукумат уларга яқиндан ёрдам бераётгани ҳақида гапирди. Мамлакатда бошқа динлар қатори Исломи ҳам расман тан олинган.

Анжуманнинг учинчи куни “Оила ва ёшлар ҳаётида Исломининг тутган ўрни” мавзуида маърузалар тингланди. Асосий эътибор Исломи ёшлар ўртасида

тарғиб қилишга қаратилди. Устоз Абдураҳмон Искардар, доктор Саъд аш-Шаҳроний, Абдуллоҳ Мубашшир ат-Торозий, камина ва бошқалар сўзга чиқди.

Кўтарилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорда Исломи олами уюшмаси билан Ўрта Осиёдаги муфтиётлар ва университетлар алоқасини мустаҳкамлаш, маданий, иқтисодий йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтириш, минтақада ижтимоий турмуш даражасини кўтаришга кўмаклашиш, терроризм ва зўравонликка қарши ҳамкорликда курашиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Анжуманда тақрибан уч юз эллик-тўрт юз тингловчи иштирок этди. Уларнинг ёши йигирмадан етмиш ёшгача, ярмидан кўпи аёллар эди. Анжуманда Қозоғистон масжидларининг имомлари ҳам қатнашишди. Хизмат қилаётган қозоқ фарзандларининг кўпи Мадинадаги Исломи дорулфунини тугатиб келишган экан. Анжуман ниҳоясида шу йил 7—19 август кунлари Алмати шаҳрида Исломи олами уюшмаси томонидан “Исломида ақида ва имон” мавзуида ўтказилган машғулотларнинг тингловчиларидан юзга яқин кишиларга махсус курс тингловчиси гувоҳномаси ва совғалар тақдим этилди.

Бундай анжуманлар баҳона дунё мусулмонларининг бир-бирлари билан яқиндан танишуви бугунги кунда бўлаётган баъзи нохуш ҳолатларнинг, жумладан, ёш ва ўрта ёшли кишиларнинг миссионерлар алдовига учиб, бошқа динларга ўтиб кетишларининг олдини олишга ҳисса қўшилади.



# ЎЗНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Бировларга маломат ва миннат этмай, билган илмига амал қилиш инсондаги гўзал фазилатлардан биридир. Бировдан камчилик излаб, ўзини бошқалардан комил ҳис этиш кўнгилда шайтоний туйғулар уйғотади. Ўзни тақводор, парҳезкор кўрсатиб, бош-қани тубан ва беандиша тасаввур қилиш албатта манманликка олиб келади.

Амри маъруф ва наҳйи мункар мусулмонлар зиммасидаги фарзлардан бири. Унинг адоси учун ҳар ким масъул. Аммо кундалик турмушда айни масала билан боғлиқ қутилмаган ҳодисалар ҳам рўй берар экан. Масалан, айрим ёши улуг кимсалар ёшларни тўғри йўлга солиш, ибодат тўқислигига бошлаш мақсадида насиҳатлар қиладилар. Насиҳатгўй шунга маънавий жиҳатдан ҳақли ва муносиб бўлса, табиийки, бу иши яхши самара беради, Аллоҳнинг ажрига ҳам эришади, албатта. Лекин бунинг акси бўлса-чи?

## Биринчи воқеа

Бир кунни Ғайрат жума намозини ўқиш учун қишлоқ масжидига чиқди. Ҳали азон айтилмаган, йиғилган бир неча одамлар чеккароқдаги сўрида чой ичиб, гурунглашиб, ўтиришибди. Катталар билан салом-аликдан сўнг Ғайрат сўрининг четига чўккалади.

Бир маҳал ўтирган кексалардан Уразмат қассоб Ғайратга қараб: «Ҳой, Шерматнинг ўғли, намозни қайдан ўргангансан? Нега бошланг масжидга келасан? Уст-бошингга қара. Бугун энги калта кўйлак кийибсан. Бундай кийим-бош билан намоз ўқиб бўлмайди», дея ҳукм бериб, яна алланималар хусусида насиҳат қилди. Қайсидир китоблардан далиллар келтирган бўлди. Ғайрат ҳайратдан анграйди, қизаринди. Узини айбдор, ҳатто гуноҳкор ҳис этди. Ниҳоят бор кучини тилига жамлаб: «Уразмат ака, панд-насиҳатни ўз яқинларингиздан бошласангиз, маъқул эмасми? Бир қизингиз

уззу-кун бозорда тарозидан уриб, тирикчилик қилаётганини ҳамма биледи. Катта ўғлингизни гумашталари билан ҳозиргина пивохонада кўрдим. Қурут шимиб ўтирибди», демоқчи бўлди. Аммо айтмади. Андиша қилди. Ўзидан каттанинг дилини оғритгиси келмади...

Эндигина масжид остонасидан ҳатлаган Ғайрат шу-шу намозхонлар сафида кўринмай қолди.

## Иккинчи воқеа

Бу воқеани юрагида ибодат лаззатини туйиб, ўзини бахтиёр ҳисоблаб юрган бир танишим ийманибгина сўйлаб берганди.

«Ёзининг охирлари эди. Пешин ўқиш учун масжидга кирдим. Жамоа катта. Сафлар бир текис. Олдинги сафда ўнг оёғи ялан-ғоч, чап оёғига пайпоқ кийиб намоз ўқиётган ёши каттароқ киши эътиборимни тортди. Шайтоннинг намоз маҳалидаги ҳужумига қаранг, ҳаёлим чалғиди. Аммо «Бир пайпоғи эсидан чиққандир», деган фикр кечди кўнглимдан. Бир маҳал назарим яна шу томон югурди. Ташаҳхудга ўтирибди, ҳар икки оёқнинг панжаю товонларига тик турибди. Барча намозлик китобларда ташаҳхуд ўқиётган маҳал чап оёқ устига ўтирилиб, ўнг оёқ тик бўлади, бармоқлари эса олдга йўналади, деб ёзилган-ку. Бу кимсанинг ўтиришида хатолик бор, ҳар икки оёқ бир хил — тик...

Намоздан сўнг, масжид ҳовлисида ҳалиги кишининг олдида бориб сўрашгач:

— Узр, ака, қачондан бери намоз ўқийсиз? Ибодатни янги бошлаганга ўхшайсиз. Бироқ шу ташаҳхудга... — деб сўз бошлаган эдим, гапимнинг давоми бўғзимда қолди. У фикримни дарҳол илғаб, пайпоқли оёғидан шим пойчасини тиззасигача кўтарди, ёғоч оёққа ишора қилди:

— Саксонинчи йиллари Афғонда қолган. Ўша замондан бери бошқа аъзоларимнинг соғлиғи шукронасига Аллоҳнинг



буюрганини имконим борича бажариб келаман, — деди ва бошқа ҳеч сўз демай, йўлига кетди. Ваҳоланки, мени бир оз койиб, ўпкамни босиб қўйиши мумкин эди. Чунки унинг ёғоч оёғи ҳам салкам менинг ёшим билан тенг эди».

\* \* \*

Демак, мўмин киши сўзини обдон ўйлаб сўйлаши, сўз қадрини, ўз маънавий савиясини, фазилату ожизликларини яхши билиши керак.

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳадисларида имомликка ким ҳақли экани айтилиб, бу шариятимизда бир мезонга айланган. Шунга мувофиқ «Мухтасар»да: «Имомликка шариятни яхшироқ билган киши ҳақли, агар шариятни яхши билган киши иккита бўлса, қироати яхшироқ киши ҳақли, агар қироатда ҳам баробар бўлсалар, парҳезкорроғи ҳақли, агар унда ҳам тенг бўлсалар, (ақлига заифлик етмаган бўлса) ёши улугроғи ҳақлидир», деган ҳукм битилган. Бу ўринда айтилган ҳақдорлик масаласи мусулмон кишининг маънавий-маърифий ҳаётига, одамлар билан муомала-муносабатларига ҳам бевосита дахлдор экани кўриниб турибди.

Айтмоқчимизки, нотаниш жамоа ичига тасодифан кириб, ўзини олим, ўзгани оми санаб, ўринсиз билимдонлик қилиш, ўтиргану турганни, қулгану йиғлаганни тергайвериш Исломодаб-ахлоқига мувофиқ келмайди.

**Қулгани сўрама,  
Билгани бордир.  
Йиғлагани сўрама,  
Ўлгани бордир,**

деб бежиз айтишмаган ахир.

**Баҳодир НУРМУҲАММАД**



## «АГАР РОСТГҲҲЙ БЎЛСАНГИЗЛАР...»

*Умид қиламизки, азиз ўқувчиларимиз бу суҳбатдан ўзлари учун кўпгина манфаатларга эга бўлишади. Чунки илм аҳли билан кечадиган суҳбатлар, ёмғир сувлари ташна ерларни яшнатгани каби, қалблардаги имонни яшнатади. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар бош имом-хатиби Абдул Азим Зиёуддин ўғли билан суҳбатимиз ғоятда мазмунли кечди. Шахсан камина ўзимни қизиқтирган кўпгина муҳим саволларимга жавоб топдим. Мавзу, асосан, юртимизда долзарб бўлиб турган масала — миссионерлик ҳаракати, Инжил ва христианлик ҳақида эди.*

— *Ҳурматли домла, суҳбат аввалида маънавият ва маърифат ҳақида қисқача тўхталсак.*

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Алҳамду лиллаҳ вас-солату вас-саламу ʻала росулиллаҳ. Аммо баъд: Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

“Маънавият” арабча сўз бўлиб, «хилофи моддиёт»ни, яъни, инсоннинг моддий ҳолатидан ташқари, унда руҳий ҳолат ҳам борлигини билдиради. “Маърифат” сўзи ҳам арабча бўлиб,

إِذْرَاكَ الشَّيْءِ عَلَى مَا هُوَ عَلَيْهِ — «Идрокуш-шай’и

ʻала ма ҳува алайҳи» («ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйиш»), яъни, ўша руҳий ҳолатга тўғри ва соф озуқа беришни англатади.

Инсон икки нарсдан — модда ва руҳдан ташкил топган. Инсон жисми тупроқ моддасидан яратилгани боис, унинг озуқаси ҳам моддий нарсалардир. Яъни, қорни очса, таом ейди, чанқаса, чанқовбосди ичимлик ичади, касал бўлса, даволанади, чарчаса, дам олади, моддий илмларни ўрганади ва жинсий ғаризаси ғалаён қилса, қондиради ва ҳоказо. Буларни инсон ақли билан топади. Чунки Аллоҳ таоло инсонга онг, фаҳм-фаросат, ақлу заковат берганки, улар ёрдамида баданига нима керак эканини билади ва шу билими унга жисмининг озуқасини топиб беради. Масалан, нимани ейиш ва нимани емаслик керак, қандай истеъмол қилиш лозим, даволанишда қайси дардга нима даво бўлади ва уни қайси услубда қабул қилиш керак. Агар билмаса, дўхтир-табибларга ё билагонларга мурожаат қилади. Чунки инсон ҳар бир ишнинг ўз мутахассиси борлигини билади. Лекин руҳий озуқа ер юзидан топилмайдиган нарсдир. Руҳ модда эмас. Руҳий озуқани билишдан олдин руҳ ўзи нима эканини билиб олишимиз керак. Ўтган пайғамбарларга қавмлари руҳ нима деган саволни қўйишган. Инсониятни илк замонлариданоқ энг қизиқтирган нарсалардан бири руҳ масаласи эди, лекин ҳеч қачон одамзот бу масалада бирон-бир аниқ билимга эга бўлмаган. Хоссатан Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, олдиларига ҳам яҳудийлар келиб: «Эй Муҳаммад, сен

ростдан ҳам пайғамбар бўлсанг, бизга жавоб бер, руҳ нима?» деб сўрашган. Бунга жавобан Исро сурасининг 85-: «Эй Муҳаммад, сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ фақат Раббининг ишидандир». Сизларга эса оз илм берилгандир» ояти нозил бўлади. Яҳудийлар буни эшитиб: «Ҳа, сен тўғри гапни айтдинг, аввалги пайғамбарлар ҳам қавмларига шу жавобни айтишган. Лекин барибир биз сенга имон келтирмаймиз», деб чиқиб кетишган. Демак, ҳатто пайғамбарлар ҳам бу масалани билишга ожиз эканлар. Энди шу руҳ ўзи қаердан келди, деган саволга Куръон шундай жавоб беради: «У (Аллоҳ) инсонни (яъни, Одамни) даставвал лойдан яратди... Сўнгра уни (инсон қилиб) ростлаб, ичига Ўз (даргоҳидаги, яъни, Ўзи яратган) руҳидан киритди...» (Сажда сураси 7–9-оятларидан). Маълум бўлдики, руҳ Аллоҳ тарафидандир. Унинг аслини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Модомики руҳ Аллоҳ тарафидан экан, унинг озуқаси ҳам Аллоҳ тарафидан бўлиши табиийдир. Шу озуқани У Зот пайғамбарлари воситасида, илоҳий китоблар орқали юборган.

— *Умуман пайғамбарлар ҳақида ҳам сўз юритсангиз.*

— Пайғамбарлар инсоният орасидаги энг доно, ростгўй, ақли, фаҳм-фаросатли, ҳаёли, оқкўнгил, раҳм-шафқатли, хуллас, бутун инсоний фазилатларга эга бўлган Ҳазрати Инсон эдилар. Аллоҳ таоло бу зотларни танлаб, уларга ваҳий юборган. Ваҳийни қабул этиб ўзи амал қилгани набий, бошқаларга ҳам етказишга буюрилгани расулдир. Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилади: «Ҳар бир уммат ичида ҳам албатта бир огоҳлантиргувчи пайғамбар ўтгандир» (Фотир, 24-оят мазмуни). Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Пайғамбарлар ўзаро биродардирлар... ва динлари ҳам биттадир» (Муслим ривояти), деб марҳамат қилганлар. Уларнинг йўллари битта бўлган, у ҳам бўлса, инсонларни Аллоҳ кўрсатган йўлга даъват қилиш. Аллоҳ таоло айтади: «Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан энглар ва яхши амаллар қилинглари! Албатта, Мен қилаётган амалларингизни билгувчидирман. Шак-шубҳасиз, (барчангизнинг) милла-



тингиз (яъни, динингиз) бир миллат (яъни, Ислондир). Мен эса сизларнинг Парвардигорингиздирман, бас, Мендангина кўрқингиз!» (Муъминун, 51—52-оятлар мазмуни).

Пайғамбарлар маъсумдирлар, яъни, Аллоҳ уларни гуноҳ-маъсиатдан, фисқу фужурдан ва барча разолатлардан сақлаган. Пайғамбарларнинг силсиласи мисоли занжир бўлиб, бош ҳалқаси Одам алайҳиссалом бўлсалар, охириги ҳалқаси Ҳазрати Муҳаммаддирлар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Аллоҳ таоло инсонларга илоҳий кўрсатмаларни шундоқ бераверса бўлмасмиди, ахир инсонларга ақл-тафаккур ато этилган-ку, пайғамбарлар жўнатишга ҳожат бормиди, дейилса, айтамикки, бир куни кемада кетаётганларида Нажим Фозилдан бир шогирди: «Устоз, Аллоҳ пайғамбар юбориб нима қиларди, илоҳий китоб берса, ўзимиз ўқиб амал қилаверардик», деб сўраганида Нажим Фозил китобдан бошини кўтармай: «Кемага чиқиб нима қилардинг, денгиздан ўзинг сузиб ўтиб кетаверсанг бўлмасмиди?» дея жавоб берган экан. Пайғамбарлар ўз умматларига Аллоҳнинг барча буйруқларини — нима қилиш керагу нима қилмаслик кераклигини етказганлар. Пайғамбарларга Аллоҳ таоло оддий шахсларнинг қўлидан келмайдиган баъзи ишларни қила олиш, яъни, мўъжиза кўрсатишдек улуғ фазилатни ато этган, бу нарса уларнинг ҳақиқий пайғамбар эканликларига далил бўлиб келган. Барча пайғамбарлар Аллоҳнинг йўриғида юрган кишиларга бу дунёю у дунёда саодатманд бўлиш башоратини беришган. Аллоҳнинг айтганига кўнмай ҳавою нафсига берилиб кетганларга эса, бу дунёда хор-зор бўлиб, у дунёда азобга дучор бўлишларининг хабарини етказишган. Пайғамбарлар Аллоҳнинг буйруғини амалга оширар эканлар, халқларга йўл-йўриқ кўрсатишлари, ботил йўллардан қайтариб, одил, олий қонунларга бошлашлари, хуллас, она гўдагини тарбиялаганидек, уларни тарбиялашлари зарур эди. Ислоҳ ҳамма пайғамбарларга имон келтириб, уларни ҳурматлашни мусулмонларга фарз қилиб қўйган.

— *Сўзингиз орасида пайғамбарлар силсиласининг охириги ҳалқаси пайғамбаримиз Муҳаммаддирлар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, деб айтиб ўтдингиз. Шунга далилларни баён этсангиз.*

— Ҳазрати Муҳаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, пайғамбарликлари муайян бир халқ ёки замон билан чекланиб қолмай, бутун дунёга ва то қиёматгача тааллуқлидир. Пайғамбаримиз бутун, башариятга юборилганлар ва шу билан ваҳий, пайғамбарлик силсиласи хотималанган. Аллоҳ таоло башариятга юборган ҳидоят ва нурларнинг барчасини у кишининг воситаси билан юбориб бўлди. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй мўминлар), Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнгисидир. Аллоҳ барча нарсани Билгувчи Зотдир» (Аҳзоб, 40-оят мазмуни). Бухорий ва Муслим ўз «Саҳиҳ»ларида Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилишган ҳадис-

да Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, шундай дейдилар: «Мен ва мендан аввал ўтган пайғамбарларнинг мисоли бундай: бир киши иморат бино қилди, уни жуда чиройли ва яхши қилиб қурди-ю, фақат бир гиштнинг ўрни очик қолди. Одамлар уйни келиб кўриб, қойил қолишади ва охирида: «Ҳаммаси яхши бўлибди-ю, лекин шу гиштни қўйиб қўйилса бўларкан», дейишади. Мен шу гишт мисолидаман. Ва мен пайғамбарларнинг охиригисиман».

Исо, алайҳиссалом, ўзларидан кейин Муҳаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, пайғамбар бўлиб келишларини башорат қилганлар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони қаримда айтади: «Эсланг, Йисо ибн Марям: “Эй бани Исроил, албатта, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад<sup>1</sup> исмли бир Пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)”, деган эди» (Саф, 6-оят мазмуни).

Ҳозирда мавжуд “Инжил”ларда ҳам пайғамбаримиз, алайҳиссалом, ҳақларида бир неча башоратларни ўқиймиз:

«15. Агар мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглар. 16. Мен Отамга<sup>2</sup> мурожаат қиламан ва У тоабад<sup>3</sup> сизлар билан қоладиган бошқа<sup>4</sup> Юпатувчини<sup>5</sup> юборди. 17. Бу Юпатувчи Ҳақиқат Рухидир... 26. Ўша Юпатувчи, яъни Менинг номимдан Отам юборадиган Муқаддас Рухнинг Ўзи сизларга ҳаммасини ўргатади, Менинг сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга туширади» (Юҳанно, 14-боб).

«26. Отам ҳузуридан Мен сизларга юборадиган Юпатувчи, яъни Отам наздидан чиқувчи Ҳақиқат Рухи келгач, У Мен тўғримда гувоҳлик беради. 27. Сизлар ҳам гувоҳлик берасизлар, чунки бошданок Мен билан биргасизлар» (Юҳанно, 15-боб).

«7. Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишим сиз учун фойдалидир. Агар Мен кетсам, Юпатувчи олдингизга келмайди. Агар кет-

<sup>1</sup> «Аҳмад», «Муҳаммад» бир ўзакдан олинган.

<sup>2</sup> Аслида «Роббимга».

<sup>3</sup> «тоабад», яъни, қиёматгача.

<sup>4</sup> Яъни, «Мендан бошқа».

<sup>5</sup> Шу ўринда бир оз изоҳ бериб ўтсак. “Юпатувчи” сўзи ўрисча Инжилда «Утешитель» деб таржима қилинган. Бу сўз юнон тилидаги «парақлетос» сўзининг таржимасидир. Баъзилар бу сўзни «Ҳимоячи», «Ёрдамчи», «Ўғитчи» деб ҳам таржима қилиш мумкин, дейдилар. Бошқалар эса, «Парақлетос» аслида, «периклутос» (мақталган) сўзининг бузилган шаклидир, дейдилар. “Муҳаммад” исми ҳам сўз сифатида “мақталган” маъносини беради. Бинобарин, “периклутос” сўзининг тўғри таржимаси Пайғамбаримиз исмларининг айнан ифодасидир. Бундан янада аниқ исбот бўладикки, Исо, алайҳиссалом, хабар берган охириги пайғамбар, шак-шубҳасиз, Муҳаммаддирлар, алайҳиссалом. Яна бир ҳайратга соларли маълумот: “Муҳаммад” деб исм қўйиш арабларда олдин умуман бўлмаган, Пайғамбаримизнинг оналари Омина ҳомилдорлик вақтларида тушларида айнан шу исми қўйиш аён қилинган.

сам, Уни олдингизга юбораман. 8. У эса келиб, гуноҳ, адолат ва ҳукм хусусида дунёнинг хато қилганини фош қилади... 13. Муқаддас Ҳақиқат Руҳи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У келажак ҳақида сизларга хабар қилади...» (Юҳанно, 16-боб).

«22. Мусо пайғамбар ота-боболаримизга гапириб, деган: «Раббингиз бўлган Худованд сизларга биродарларингиз орасидан мен каби<sup>1</sup> бир Пайғамбар зоҳир қилгай. Бутун ишларда сизларга нимаики гапирса, Унга қулоқ солинглар. 23. Ўша Пайғамбарга қулоқ солмаган ҳар бир жон ўз халқи орасидан қириб ташлангай...» (Ҳаворийлар, 3-боб).

«19. Куддусдаги яҳудийлар юборган руҳонийлар<sup>2</sup> ва левитлар<sup>3</sup> Яҳё пайғамбарнинг олдига бориб ундан: — Сен кимсан? — деб сўрадилар. Яҳё шаҳодат берди: 20. — Мен Масиҳ эмасман, — деб очиқ тан олди у, инкор этмади. 21. Яна ундан: — Бўлмаса, Илёс пайғамбармисан? — деб сўрадилар. — Йўқ! — деди у. Охирзамон пайғамбаримисан? — деб савол бердилар. У яна: — Йўқ! — деб жавоб берди»<sup>4</sup> (Юҳанно, 1-боб). Бу ерда ҳам маълум бўлиб турибдики, охирги пайғамбар Исо эмас, балки Муҳаммадирлар, алайҳиссалом.

— **Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аввалги пайғамбарлардан қандай афзаллик жиҳатлари бор?**

— Саҳиҳлигига иттифоқ қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай марҳамат қиладилар: «Аллоҳ мени бошқа пайғамбарлардан олти нарса билан афзал қилди. Менга жавомиъул калимни (ҳикматлар хазинасини) берди. Бир ойлик масофадан душманларимнинг қалбига қўрқув солиш билан мени қувватлади. Менга ғаниматларни (урушда қўлга киритилган ўлжаларни) ҳалол қилди. Ер юзини менга покловчи ва масжид қилиб берди. Мен бутун инсоният учун пайғамбар бўлиб келдим ва мен билан пайғамбарликни яқунлади».

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом) **Дарҳақиқат, биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат** (яъни, Аллоҳнинг раҳматига — жаннатига етакловчи) **қилиб юбордик**» (Анбиё, 107-оят мазмуни). Муҳаммад, алайҳиссалом, олиб келган таълимотлар, Қуръон барча оламларга раҳмат-шафқатдир. Ҳам бу дунёнинг раҳмат-шафқати, ҳам у дунёнинг раҳмат-шафқатидир. Бунини фаҳмлаб олиш қийин эмас. Исломи таълимотларига инсоф назари билан қарашнинг ўзи кифоя. Бутун оламларга меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат руҳи улардан балқиб турибди. Ҳар қандай ақли расо одам дарҳол пайқаб олади. Яна бошқа оятда Аллоҳ таоло шундай дейди: «(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом), **Биз сизни, шак-шубҳасиз, барча одамларга** (мўминларга жаннат ҳақида) **хушхабар элтувчи**, (кофирларни

эса дўзах азобидан) **огоҳлантирувчи ҳолида Пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар бунини билмаслар**» (Сабаъ, 28-оят мазмуни). Инсоният тарихида Муҳаммадчалик, алайҳиссалом, қавми тарафидан севилган ва ҳурматланган инсон ўтмаган. Тарих китобларида баён қилинишича, Урва исмли мушрик Қурайш кофирларига шундай ҳикоя қилган эди: «Мен жуда кўп ҳукмдорларни кўрганман. Мен Сезарнинг, Кисронинг, Негуснинг саройларида бўлганман. Лекин қасам ичишим мумкинки, Муҳаммадни асҳоблари ҳурмат қилганлари каби ҳурмат-эҳтиром қилинган ҳукмдорни кўрмадим. Аллоҳга қасамки, агар у бир нарса буюрса, улар дарҳол уни бажаришга ташланишади, ювинса, ундан тушаётган сувни талашиб-тортишиб олишга ошиқишади, гапирса, сукут қилиб қотиб қолишади, шу даражадаки, ҳатто унинг кўзига тик қарашга ботина олишмайди».

— **Овруналик бир инсофли олим Қуръон билан танишиб чиқиб, шундай хулосага келган экан: «Қуръон ўликларни тириштиришдан-да буюкроқ мўъжизадир».**

— Қуръон ҳақида уламолар таърифи бундай: «Қуръон Аллоҳнинг Муҳаммадга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, туширган, тиловати ибодат ҳисобланадиган, ожиз қолдирувчи каломидир». Қуръоннинг мўъжизавийлиги ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу Китоб ўзининг ҳидоят, қонун-қоидалари, услуби ва маънолари билан башариятни ожиз қолдирган, ожиз қолдириб келмоқда ва шундай бўлиб қолади. Чунки Қуръон башариятнинг ақли тараққий этган бир пайтда шу тараққийётга мос бўлиб тушди. Ҳозирда «Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар» номи билан аталган бир неча халқаро ташкилотлар, илмий нашрлар бор. Тиббиёт, кимё, физика, астрономия ва бошқа соҳа олимлари ўз илмлари доирасида Қуръон мўъжизаларини топдилар ва топяпдилар. Фарбнинг неча-неча забардаст олимлари шу туфайли Исломи қабул қилган ва ҳануз қабул қилмоқдалар. Илм, фан ва техника ривожланган давримиздаги кашфиётларнинг Қуръони каримда хабари борлиги Қуръоннинг энг катта мўъжизаларидандир.

«Токи уларга (ушбу Қуръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) **Ҳақ** (Китоб) **эканлиги аниқ маълум бўлгунча, албатта, Биз уларга атрофларидаги ва ўз вужудларидаги** (Бизнинг борлигимиз ва қудратимизга далолат қиладиган) **оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз. Ахир** (уларга) **Парвардигорингизнинг барча нарсага гувоҳ экани** (яъни, Аллоҳ таоло ушбу Қуръонда коинотдаги барча нарсани қамраб олиб, Ўз ҳукмини баён қилаётгани Сизнинг ҳақ Пайғамбар эканингизни исботлаш учун) **етарли эмасми?!**» (Фуссилат, 53, мазмуни).

Мана, ўн тўрт асрдан ошдики, бу Китоб мўмин-муслмонлар учун илоҳий дастуруламал бўлиш билан бирга, бутун инсониятни ўзига жалб қилиб келмоқда. Қуръони карим Аллоҳ таоло ҳузуридан Пайғамбаримиз Муҳаммадга, алайҳиссалом, нозил бўла бошлаган замонлардаёқ бу ҳайрат — Қуръон чин Илоҳий Калом эканини тан олиш

<sup>1</sup> «Мен каби»дан мурод, Муҳаммад, алайҳиссалом, ҳар хусусиятда Мусо пайғамбар кабирлар. (Аҳмад Дийод, «Инжил башорати», «Ҳидоят», 2001, 4,5,6-сонлар.)

<sup>2</sup> Яҳудий дин арбоблари.

<sup>4</sup> Аҳмад Дийод, ўша асар.

бошланган. Маълумки, у замон араб адабиёти ўта ривожланган эди. Мўъжиза қилиб, Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга Куръони каримни нозил этди. Куръонни эшитганда араб сўз усталарининг энг буюклари ҳам унга бош эгдилар. Куръон қаршисида машхур шоирларнинг ҳам тили тутилиб қолди.

Мана, бир тарих. Ўша замонларда уч юз олти мишта араб қабиласи бор эди ва улар ҳар йили ўзаро шеърый мусобақа ўтказишиб, ғолиблар аниқланар эди. Бир мавсумда ғолиб бўлган еттига шоирнинг шеърлари Каъба деворига осиб қўйилганида, кичик ёшли Абдуллоҳ ибн Аббос, розий-аллоҳу анху, Куръони каримдаги энг ихчам Кавсар сурасини ёзиб, саккизинчи қилиб илиб қўйган экан. Шеърларни бир четдан ўқиб келган ҳайъат аъзолари саккизинчи қоғоздаги сатрларни, яъни, «**Инна аътойнакал кавсар. Фасолли ли роббика ванҳар. Инна шани-ака хувал абтар**» жумлаларини ўқиб: «Ҳаза лайса мин қовлил башар» («Бу сўзлар инсоннинг сўзи эмас»), деб юбордилар.

Ибн Хишом «Сийрати набавийа» китобида келтиради: «Одамлардаги Куръонни тинглашга бўлган иштиёқ шу даражада кучли эдики, ҳатто Пайғамбарни инкор этаётган Курайш мушрикларининг баъзилари тунлари, яширинча Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уйлари олдига келиб, тонггача Куръон тиловатига қулоқ солиб чиқишарди. Бу ҳолат кўп марта такрорланган эди».

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом, Албатта, Биз (Куръон) билан тақво эгаларига хушхабар беришингиз учун ва саркаш қавмини қўрқитишингиз учун уни Сизнинг тилингизга осон-енгил қилиб қўйдик» (Марям, 97-оят мазмуни). Бу оятнинг тасдиқига айтиш мумкинки, бугунги кунда милёнлаб мусулмонлар энг Буюк Илоҳий Мўъжиза бўлмиш Куръонни ёддан билишади. Аллоҳ таоло Куръони каримни Муҳаммад, алайҳиссалом, орқали нозил этди, Пайғамбаримиз зиммаларидаги бурчни аъло даражада адо этдилар ва у кишининг вафотларидан сўнг ҳам Куръон ҳидояти, қонун-қоидалари, услуби ва маънолари билан мудом барҳаётдир. Мана, ўн беш аср бўляптики, Куръони каримнинг бирор ҳарфи ҳам ўзгармасдан турибди. Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта, бу Эслатмани** (яъни, Куръонни) **Биз Ўзимиз нозил қилдик ва, шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз**» (Хижр, 9-оят мазмуни).

Аввалги илоҳий китобларнинг асл нусхалари йўқолиб кетгани ҳолда, Куръони каримнинг асл нусхаси ҳануз сақланиб келмоқда ва дунёда чоп этилган жамики Куръон нусхаларини асл нусхага солиштирсак, бирор ҳарфида ҳам фарқ йўқлигига гувоҳ бўламиз. Бунга мисол қилиб Ҳазрати Усмон, розийаллоҳу анху, томонларидан жам қилдирилган, ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган Куръони каримнинг асл нусхаларидан бирини ҳам келтиришимиз мумкин.

— *Суҳбатимиз Куръони карим ва аввалги илоҳий китоблар муносабатига келиб тақалди.*

— Қадимги диний китобларга инсонларнинг

ҳам кўли теккани сабаб, уларга ақлга ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган бир қанча сўзлар сизиб кирган. Бу қўшимчалар инсон эътиқодини бузадиган даражададир. Ҳатто уларнинг баъзилари хулқий бузуқликлардан иборатдир. Лекин Куръон бундай сўзлардан мутлақо пок. Унда бирорта ҳам ақлга зид ёки тажрибада хато бўлиб чиққан нарса йўқ. Инсонни адаштирадиган жойи йўқ.

Яна, Куръони карим аввалги китоблардан фарқли равишда ички ихтилофлардан батамом холидир. Шу ўринда узоқ йиллар давомида христиан руҳонийи бўлиб хизмат қилган ва Аллоҳнинг ҳидояти ила (1999 йили) Исломга кирган русиялик машхур давлат арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Али Вячеслав Полосиннинг «Прямой путь к Богу» (Аллоҳга элтадиган тўғри йўл) китобидан бир парча келтираман: «Мен биринчи марта Куръони каримни очиб, “Уларга айт...” деган сўзга кўзим тушганида ва Қудратли Яратувчи ҳақидаги тараннумларни ўқиганимда, бу сўзлар дарҳақиқат энг қудратли зот Аллоҳнинг сўзлари эканини тушундим. Аллоҳ Куръоннинг эгаси, Муҳаммад эса унинг элчисидир. Ҳар нарсага қодир Зот инсоний оёқ-қўлларга ҳам, қуш қанотларига ҳам... ҳар хил шубҳали аломату башоратларга ҳам, Ўзининг Сўзларига инсоний аралашувларга ҳам, “илоҳлаштиришлар”нинг турли кўринишларига ҳам асло муҳтож эмасдир. Чунки у Қудратлидир, У бутун дунёни осонгина яратгандир, У Ўз иродасини одамларга қандай хоҳласа, шундай, қачон хоҳласа, ўшанда ва Ўзи кимни танласа, ўша элчиси орқали етказишга қодир Зотдир. Бугун Исломни турли бўлмағур айбларни ёпиштириш ва ҳар хил асосиз тухматлар уюштириш билан инкор этган ва инкор этаётган кишиларга қарата эса, Аллоҳ таолонинг Ўзи бундай дейди: «**Ахир улар Куръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп зиддиятларни топган бўлар эдилар-ку?!**» (Нисо, 82-оят мазмуни). Куръон оятларида зиддиятлар йўқ, уларда кейинчалик қўшиб қўйилган қистирмалар ҳам йўқ, Аллоҳ сўзларининг бошланиши ҳам, охири ҳам уларда очиқ кўриниб туради, улар Исо ва унгача келган бошқа пайғамбарларнинг, алайҳимуссалом, сўзларини эслатади ва изоҳлайди, улар Ер юзидаги барча халқларга оддий оила ва турмушдан тортиб, то давлат қурилмаларигача яккахудоликнинг ижтимоий доктринасини эълон қилади. Бу Китобни ўқиб чиққач, мен шуни тушундимки, христианликдаги Исо, келажакда келади, деб башорат берган ҳақиқий христианлик кўрсатмаси айни шу муқаддас Куръони каримдир<sup>5</sup>.

Бир сўз билан айтганда, Куръон нозил бўлганидан кейин инсониятнинг бошқа илоҳий китобга эҳтиёжи қолмади.

(Давоми келгуси сонда)

<sup>5</sup>Али Вячеслав Полосин. “Прямой путь к Богу”. Москва, науч. издат. центр “Ладомир”, 2000 г. стр. 16-17.

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Уляновскда янги масжид

Русиянинг Уляновск шаҳрида янги жомеъ масжидини қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда. Икки қаватли,

каттагина минораси бўлган бу масжидда бир вақтнинг ўзида икки юз-икки юз эллик киши намоз ўқиши мумкин. Масжид Уляновск вилояти муфтиятининг кўмаги билан барпо этиляпти.

Таъкидлаш лозимки, мазкур вилоятда ҳозир учта исломий ташкилот фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда минтақада икки юз минг нафарга яқин мусулмонлар истиқомат қилишади.

## “Абу Суайрий” жомеъи

Искандария шаҳридаги кўҳна “Абу Суайрий” жомеъини таъмирлаш ишлари якунланди. Масжидни таъмирлаш учун ҳаммаси бўлиб уч милён Миср фунти миқдорида маблағ сарфланди. Мазкур масжид бундан ўн олти аср муқаддам қурилган бўлиб, илк бор 1907 йилда Миср волиий Маҳаммад Тавфиқ Пошо томонидан қайта таъмирланган эди. Масжид ёнида Шайх Абу Суайрийнинг мақбараси бор. Абу Суайрий Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳаётлари, юксак фазилатлари ҳақидаги қатор дostonлар муаллифидир.

## Мисрдаги учрашув

IINA Халқаро Ислom ахборот агентлиги хабарига кўра, Миср ташқи ишлар вазирлигида Ислom илмий, маърифий ва маданий ташкилоти бирлашган кўмитаси (Работ шаҳрида тузилган) IESCO билан Африқода техникавий ҳамкорлик (Миср) жамғармаси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида томонлар ўзарo ҳамкорликнинг янги дастурини му-

ҳокама қилдилар. IESCO томонидан директор Абдул Азиз Усмон ал-Тувайрий, жамғарма томонидан эса мазкур ташкилот раҳбари Суад Шалабий бу ҳужжатни имзоладилар. Учрашувда Африқо мамлакатларида таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида ўқув курслари, тренинглар, анжуманлар, семинар-кенгашлар ташкил этиш, университет ва институтларга ўқитувчилар жўнатиш, таълим ривожига кўмаклашиш, янги ўқув дастурлари тайёрлаш юзасидан бу икки ташкилот ўртасида аниқ келишувлар ишлаб чиқилди.

## Вазир билан мулоқот

IINA мухбири хабар беришича, Ислom олами уюшмаси бош котиби доктор Абдуллоҳ Абдул Муҳсин ат-Туркий Париж шаҳрида Франция ички ишлар вазири Никола Саркози билан учрашди. Доктор Туркий мамлакатдаги Ислom жамоасига берилган эътибор учун Франция ҳукуматига ташаккур билдирди. Шунингдек, мусулмонларнинг франсуз жамияти билан тенг ҳуқуқли, аҳил-иноқ бўлиб яшашлари зарур эканини айтди.

Доктор Туркий мамлакатдаги баъзи оммавий ахборот воситаларида мусулмонларга қарши асоссиз айбловлар кўпайиб бораётганига вазир эътиборини тортди, Ислom дини ҳеч қачон террорчиликка, бегуноҳ инсонларга зулм ва зўравонлик қилишни ёқлаб чиқмайди, деб таъкидлади. Шунингдек, у вазирга Ислom дини инсонларнинг тинч-тотув, ўзарo ҳамкор ва бағрикенгликда яшашлари учун мукамал бир тизим яратишини ҳам уқтириб ўтди.

## Яманлик қориларга ҳадя

Яман президенти Али Абдулла Солиҳ ва Шайх Абдулла ибн Хусайн ал-Аҳмар Яман Қуръонни ўрганиш хайрия жамиятига ўн милён риёл маблағ ҳадя этишди. Бу пуллар Қуръонни ёдлаш жамиятида ўқишни битираётган ёшларга диплом бериш тантаналари чоғида талабаларга топширилди.

## Покистонда сайловлар

IRNA ахборот агентлиги хабарига кўра, исломий ташкилотлар Покистонда ўтказилган умумий сайловларда, шунингдек, шимоли-ғарбий

чегара ҳудуди ва Белужистонда бўлган сайловларда пешқадамлик қилмоқдалар. Масалан, ол-тита диний партияни бирлаштирган ММА ташкилоти вакиллари Покистон парламентида таҳминан ўн икки ўринни эгаллашди, собиқ бош вазир Навоз Шариф бошчилигидаги Покистон мусулмонлар уюшмаси Лаҳорда, Панжоб штати марказида етакчилик қилиб, парламентда саккиз ўринга эга бўлишди.

### Қориларга дипломлар

ИНА хабар қилади: Ислом олами уюшмасининг Қуръони каримни ёдлаш ташкилоти Каломуллоҳни ёд биладиган икки ярим минг нафарга яқин қориларга махсус дипломлар берди. Улар орасида Осиё, Африқо, Оврупадан келган қорилар ва қориялар бор. Жумладан, Африқо давлатларидан 939 киши, Осиёдан эса фақат покистонлик талабаларнинг ўзидан 366 киши, Ямандан 295 киши, Бангладешдан 259, Ҳиндистондан 255 киши, Афғонистондан эса 150 киши ана шундай дипломларни олиш баҳтига муяссар бўлдилар.

### Юсуф Рифоийнинг китоби

Махачқала шаҳрида замонавий Ислом олимларидан бири, қувайтлик Юсуф ибн Саййид Ҳошим ар-Рифоийнинг «Дўстларга насиҳатлар» китоби нашрдан чиқди. Бу китоб илк бор Саудия Арабистонидаги «Ихлос» нашриётида чоп этилган эди. Китобга суриялик таниқли олим доктор Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий сўзбоши ёзган.

Мазкур китобда муаллиф ваҳҳобийлик оқимининг 56 масалада Ислом ақидаси ва аҳли сунна вал жамоа амалларидан чалғиб кетганини бирма-бир кўрсатиб ўтади. Юсуф Рифоий таъкидлашича, ваҳҳобийлик оқими ҳаракатлари, энг аввало, Ислом оламининг тез ривожланаётган марказий давлатларидан бири Саудия Арабистонига, шунингдек, барча мусулмонларга ҳам зарар етказди.

Интернет материаллари асосида  
Абдужалил ХУЖАМ  
тайёрлади

Абдулмутталиб ЗОМИНИЙ,  
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг  
Жиззах вилоятидаги бош вакили ўринбосари

### Нафсим менинг

Баҳор фасли болалик меҳмон экан,  
Ёз чилласи юрагимни ёққан экан,  
Замон ҳурилиқо қиздай чаққон экан,  
Қиз севдимми ё сеними, нодон нафсим?

Фарзанд кўрдим сўзи асал, кўзи мунчоқ,  
Кўнглим яйрар, қилиғидан димоғим чоқ,  
Тарбияси ёддан чиқиб, аҳвол чатоқ,  
Болам десам, сен экансан, нолон нафсим.

Жарақ-жарақ тилла-пуллар кўзим олди.  
Ҳалол-ҳаром ҳеч фарқламай ёнга солдим,  
Энди унинг қилмишидан ақлим лолдир,  
Пулми десам, сен экансан бало, нафсим.

Ёнгинамдан оппоқ авто елиб ўтар,  
Пиёдаман, алам келар, шукр кетар,  
Вақту соат — нисбу тоат сўзи етар,  
Узун хаёл, тамаъ-сароб, жудо нафсим.

Қаноатни билмас дунё сен экансан,  
Нени кўрсанг, менда бўлсин дер экансан,  
Учай дейсан, асли қаро ер экансан,  
Ўзи тўйса, кўзи тўймас гадо, нафсим.

Сен сабаб бу кенг оламини торайтдилар,  
Инсофга кел! Сени деб юз қорайтдилар.  
Имон сўзи рози бўлмоқ, деб айтдилар.  
Танирманму сени, юзи қаро нафсим?

Нафсим менинг, мутмаиннам, азизим бўл,  
Лаввомаю амморадан табибим бўл,  
Аллоҳ зикри билан ҳар дам ҳабибим бўл,  
Жаннат бўлсин сенга бир кун жазо, нафсим.



Акмал АВАЗ

# ҚИЗИҚАРЛИ ҚОИДАЛАР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

## Асосий қоида:

«Аниқ нарсанинг кучини ноаниқ нарса кетказа олмайди».

**Маъноси:** Бу қоида Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қуйидаги ҳадиси муборақларидан олингандир: Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, намозда таҳорати бузилгандек бўлиб туюлишдан шикоят қилган кишига елнинг товуши ёки ҳидини аниқ билмагунча намоздан чиқмасликни буюрдилар. Бу билан аниқ нарсанинг (яъни, қилинган таҳоратнинг) кучини ноаниқ нарса (яъни, чиққани номаълум бўлган ел) буза олмаслигига ишора қилдилар.

**Мисол:** Бир одам қарздор бўлиб, унинг қарзни тўлаган ёки тўламагани ноаниқ бўлса, у ҳолда қарзни тўламаган деб ҳукм қилинади. Чунки унинг қарз олгани аниқ, қарзни тўлагани эса ноаниқдир. Қоидамизга кўра эса, аниқ нарсанинг кучини ноаниқ нарса кетказа олмайди.

**Мисол:** Бир эркак билан аёлнинг никоҳи одамлар гувоҳлигида собит бўлса, сўнгра баъзи сабабларга кўра, талоқ тушди, деган гумонга борилса, бу ҳолатда никоҳ ўз ҳукмида қолади. Чунки никоҳ аниқ нарса бўлиб, гувоҳлар шохидлигида мустаҳкамланган. Талоқ эса, гумон нарса бўлиб, унинг воқе бўлганига аниқ далил йўқ, демак, у ноаниқдир.

## Тобеъ қоидалар:

**а) Ҳар нарса ўзининг асл ҳукмида қолади.**

**Маъноси:** Бирор воқеа-ҳодиса юз бериб, унинг ҳукми барчага маълум бўлгач, то бошқа ҳужжат-далил келиб, бу ҳукмни ўзгартирмагунча аввалги ҳукм ўз кучида қолади.

**Мисол:** Бир одам уйдан тирик чиқиб кетиб, қайтиб келмаса, унинг ҳукми қан-

дай? Албатта, у тирик ҳисобидадир. Чунки у уйдан чиқиб кетаётганида тирик эди, унинг ўлими ҳали номаълум. Шунинг учун унга аввалги ҳукм — тирик деган ҳукм жорий бўлиб туради.

**Мисол:** Вафот этган динсизнинг аёли келиб: “Эрим вафотидан сўнг мусулмон бўлдим”, деса-ю, бошқа меросхўрлар унга: “Эринг ҳаётлигидаёқ мусулмон эдинг”, дейишса, бу ҳолда аёл мусулмон ҳисобланиб, меросдан маҳрум этилади. Чунки аёлнинг эр вафотидан олдин мусулмон бўлгани бошқа меросхўрлар томонидан эътироф этилиб, таъкидланаётир ва аёлнинг ҳозирги ҳоли — мусулмонлиги ҳам буни тасдиқлайди. Шунга кўра, у эридан мерос ололмайди.

**Хулоса:** аёлнинг ҳозирги (эр вафотидан кейинги) ҳолатига қараб, унинг аввалги (эр вафотидан олдинги) ҳолати тўғрисида ҳукм чиқарилди.


**б) Янги пайдо бўлган нарсалар энг яқин вақтига боғланади.**

**Маъноси:** Бир воқеа юз бериб, унинг қачон юз бергани маълум бўлмаса, бу воқеа яқингинада юз берган деб ҳисобланади.

**Мисол:** Харидор молни қўлига олганидан сўнг, молнинг айби бор экан, деб даъво қилса, сотувчи айбнинг харидор қўлида пайдо бўлганини айтса ва ҳар иккисининг ҳам сўзига далил-исбот бўлмаса, бу ҳолда молдаги айб харидорнинг қўлида пайдо бўлган деб ҳисобланади.

Чунки айбнинг юз бериш вақти деб энг яқин вақт — харидорнинг қўлидалик вақти ҳисобланади. Натижада харидор байъни буза олмайди.

**Мисол:** Агар талоқ қилинган хотин: “Эрим мени ўлим тўшагида ётган вақтида та-



лоқ қилди”, деб даъво қилса, ўзга меросхўрлар эса, унинг эри соғломлиги пайтида талоқ қилганини айтсалар, бу ҳолда аёлнинг сўзи инобатга олинади ва унга мерос берилади. Чунки ўлим тўшагидаги одамнинг талоғи ҳисобга ўтмайди.

*Хулоса:* Аёлнинг талоғи энг яқин вақтга — эрнинг сўнги касалига боғланиб, касалликдан аввалги соғлом ҳолат эътиборга олинмайди.

**б) Сўзлашга эҳтиёж туғилганида сукут сақлаш сўзлаш билан баробар.**

*Маъноси:* Аслида жим турган одамлар тўғрисида, “сўзлади, гапирди”, деб ҳукм чиқариб бўлмайди. Лекин баъзи истисно ҳолатларда гапирган ҳукмига ўтиб ҳам қолади. Масалан, бирор воқеага одамнинг фикр билдириши қатъий сўралади. Шундай вақтда сукут сақласа, унинг бу сукути розилик ёки норозилик белгиси деб ҳисобланади. Агар бу киши сукут ўрнига фикрини очиқ-ойдин, тил билан баён қилса эди, у ҳолда унинг айтган сўзига қараб иш тутилар эди.

*Мисол:* Қиз боланинг турмуш қуришга розилиги сўралган пайтдаги сукути “розиман” деган сўзи ўрнидадир.

*Мисол:* Қасам ичиш талаб қилинган гумондор шахснинг сукути унинг ҳақиқатда ҳам айбдор эканига ҳужжат деб қаралади.

**г) Юз бериш эҳтимоли узоқ воқеаларга умуман юз бермаган деб қаралади.**

*Маъноси:* Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан ҳар нарса бўлиши мумкин. У қодир зот. Лекин Аллоҳнинг шундай қонунлари борки, улар нисбий ўзгармасдир. Аллоҳнинг қудратини рўкач қилиб, жуда камдан-кам юз берадиган ҳодиса-воқеанинг ҳолатларини бирор ҳужжатсиз даъво қилиш жоиз эмас. Фикҳий ҳукмларнинг барқарорлигини, бардавомлигини таъминлаш мақсадида ҳам ушбу қоида қабул қилинган.

*Мисол:* Камбағаллиги маълум ва машҳур бўлган инсоннинг бой кишига далил-исботсиз катта миқдордаги пул берганини даъво қилиши асоссиз деб қаралади. Чунки фақир кишида бундай катта миқдордаги пулнинг бўлиши эҳтимолдан жуда узоқдир.

*Мисол:* Бир одам бошқа бир одамга: “Бу менинг отам”, деб даъво қилса, аммо ёшлари ҳеч тўғри келмаса, воқеанинг юз бериш эҳтимоли мумкин бўлмаганидан унинг даъвоси асоссиздир.

**Асосий қоида:**

**«Қийинчилик бор ерда енгиллик ҳам бор».**

*Маъноси:* Маълумки, шариатимиз ҳукумлари

бандалар учун ўта қулай ва соддадир. Аллоҳ таоло бандаларини қийин аҳволга солиб қўйишни ҳеч истамайди. Бироқ шуни ҳам билишимиз керакки, ҳатто энг осон ишда ҳам маълум даражада қийинчилик бўлади. Масалан: овқат ейиш, китоб ўқиш, ухлаш каби ишларни олайлик. Бу ишлар учун киши озми-кўпми куч сарифлаши табиийдир. Лекин яна шундай ишлар борки, уларни бажаришда киши оғир аҳволда қолишига, машаққат чекишига тўғри келади. Мана шундай ҳолатларни назарда тутиб, шариатимизда баъзи енгилликлар кўрсатиб ўтилгандир. Бинобарин, баъзи оғир, қийин ҳолларда одам шариат кўрсатган тартибда бу енгилликлардан фойдаланиши мумкин. Демак, қийинчилик бор ерда енгиллик ҳам бор.

*Мисол:* Намозни тик туриб ўқишга қодир бўлмаган кишига ўтириб ўқишга руҳсат берилган.

**Тобеъ қоидалар:**

**а) Мажбурлик ўзганинг ҳаққини бекор қилолмайди.**

*Маъноси:* Маълумки, зарурат (мажбурлик) баъзи ҳолларда воқеа ҳукмининг ўзгаришига олиб келади. Бироқ бу ўзгариш ҳеч қачон бировнинг ҳаққини бекор қила олмайди.

*Мисол:* Очлик туфайли ўзганинг овқатини еб қўйган киши, имкон бўлганида овқатнинг пулини тўлаши керак. Чунки зарурат (очлик) ўзганинг ҳаққини (овқатнинг пулини) бекор қилмайди.

*Мисол:* Бировнинг сузонғич ҳайвонини (мол, қўй, эчки) ўлдириб қўйган киши ҳайвоннинг хунини тўлаши керак. (Агар ҳайвон эгаси аввал ҳам огоҳлантирилган бўлса, у ҳолда хун тўланмайди).


**б) Асл бўлмаса, бадал.**

*Маъноси:* Банда ўзига буюрилган ишнинг айнан ўзини (аслини) бажариши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, шу ишнинг ўрнини босадиганини (бадалини) бажарса бўлади.

*Мисол:* Ўғри агар ўғирлаган молининг айнан ўзини қайтариб беролмаса, унинг бадалини — қийматини қайтаради.

*Мисол:* Агар киши рўзасини тутмаган бўлса, ўрнини қазо рўзаси билан тўлдиради, агар бунга ҳам қодир бўлмаса, фидя тўлайди.

(Давоми келгуси сонда)



лар ила келмаса, жаннат унга очилмайди».

### Шукрни беркитмоқ уни инкор этмоқдир

Бир аёл эрининг олижаноб хулқларини онаси олдида сифатлаб, шундай деди:

— Эй онажон, ким мақтов либосини ёзса, яхши ишни адо этибди. Шукрни беркитган киши ошкора қилиш вожиб бўлган ҳақиқатни яшириб, куфрони неъматга кирибди.

## ТАРҚОНИНИ

### Ҳикматли калималар

Соиб ибн ал-Мусаййабдан: «Умар ибн Ҳаттоб одамларга ўн саккизта серҳикмат калималарни қолдирганлар».

Айтдилар:

— Бирор кишини бирор ишда сенга итоат қилишда Аллоҳга гуноҳкор бўлгани учун унинг жазоласанг, унинг итоатсизлиги ўша ишда сенинг Аллоҳга итоат қилишингдек бўлса, бас, уни жазоламайсан.

— Биродарингдан сен ўйлагандек фойда келиши учун унинг ишини энг яхши ўринлат.

— Бир мусулмоннинг оғзидан чиққан сўзни ёмонга йўйма, сен у сўзни яхшиликка йўйишга ҳаракат қил.

— Ким ўзини тухмат қилинадиган ўринда кўрсатса, унга нисбатан ёмон гумон қиладиганларни маломат қилмасин.

— Ким ўз сирини беркитса, яхшилик унинг қўлидадир.

— Ўзингга содиқ дўстлар танла, улар паноҳида яшайсан, чунки улар кенгчиликда зийнат, қийинчиликда қалқондирлар.

— Ўзингга доим рост сўзларни ихтиёр қил, агар сени ростлик ўлдирса ҳам.

— Фойдасиз нарсага уринма.

— Ҳали бўлмаган ишдан

сўрама, чунки бўлган ишдан унга ортмайсан.

— Сенинг нажотингга хайр-хоҳ бўлмаган кишидан ҳожатингни сўрама.

— Ёлғон қасам ичишни енгил санама, унинг сабабидан Аллоҳ сени ҳалок қилур.

— Фожирлар ила ҳамсуҳбат бўлма, уларнинг фужурларидан ўрганасан.

— Душманингдан узоқ бўл.

— Дўстингдан эҳтиёт бўл, ишончлиси мустасно. Аллоҳдан кўрққангина ишончли бўлур.

— Қабрлар олдида одоб билан тур.

— Итоат вақтида ўзингни хор тут.

— Гуноҳ олдида нажот арқонини маҳкам ушла.

— Ишингда Аллоҳдан кўрққанлар ила маслаҳатлаш. Зеро, Аллоҳ: «Аллоҳдан олим бандалари кўрқади» (Фотир, 28, мазмуни), деб марҳамат қилган».

### Калит ва тиш

Ваҳб ибн Мунаббаҳга айтилди: «Жаннатнинг калити «Ла илаҳа иллаллоҳ» эмасми?»

У киши айтдилар: «Худди шундай, лекин ҳар бир калитнинг тишлари бўлади. Ким жаннат эшигига ўша тишлар ила келса, эшик унга очилади. Ким жаннат эшигига ўша тиш-

Онаси қизига:

— Эй қизгинам, мақтовни қойиллатибсан, унинг мукофотини англабсан, энди ёмонлашга асло ўрин берма. Мен сенда мақташни ҳам, ёмонлашни ҳам фақат синаб кўрганингдан кейингина айтадиган ақлни кўрдим, — деди.

Қиз:

— Эй онажон, то синамагунимча мақтамадим, шунингдек, билмагунимча сифатламадим, — деди.

### У зотнинг

### биродарларидан бўлайлик

Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади: «Расулulloҳ қабристонга келдилар ва:

— Мўминлар қавмида яшовчиларга ассалому алайкум! Биз ҳам, иншааллоҳ, сизларга бориб кўшилгувчилармиз, дейдиган биродарларимизни кўришни орзу қилардим, — дедилар. Шунда саҳобалар:

— Биз сизнинг биродарларингиз эмасмизми, ё Расулulloҳ? — дейишди. Жаноби Расулulloҳ:

— Сизлар менинг саҳобаларимсизлар, биродарларимиз эса, ҳали келганларича йўқ, — дедилар. Саҳобалар:

— Ҳали келмаган умматин-



гизни қандай танийсиз, ё Расулulloҳ? — деб сўрашди. Расулulloҳ:

— Ахир бир киши ўзининг пешонаси ва оёғи оқ отларини бошқа бир тўда қоп-қора отлар ичидан таниймайди? — дедилар. Саҳобалар:

— Таниб олади, ё Расулulloҳ, — дейишди. Жаноби Расулulloҳ:

— Улар қиёматда дунёдаги таҳоратлари сабабидан пешоналари ва оёқлари нурли бўлган

пилмаса, бу иш (бошлиқ бўлиш) ўз самарасини бермайди.

### **Гуноҳкорнинг хотиржамлиги**

Авн ибн Абдуллоҳ одамларга насиҳат қилиб дер эканлар:

«Биздан ҳам пок бўлган зотлар, албатта, Аллоҳдан қўрқадилар. Бизлар эса, бизга эга бўлмаган кишидан қўрқамиз. Пок бўлган зотлар Аллоҳдан қўрқишади-ю, гуноҳкор қандай қилиб хотиржам юради. Пок зотлар

Сўнг менга, қарагин, дейилди. Қарасам, узоқдан қораликни кўрдим. Улар жуда кўп бўлиб, кўплигидан уфқни ҳам тўсиб қўйишган эди. Кейин менга яна айтилди: «Ҳов, анавиларга, ҳов анавиларга қара!» Кўрсам, сон-саноксиз инсонлар, улар шунча кўпки, еру осмонни тўлдириб юбордилар. Шунда менга: «Булар сенинг умматинг», дейилди.

Буларнинг олдидарида етмиш минг нафар жаннатга ҳисоб-ки-тобсиз кирадиганлар келмоқда. Улар ҳодисалардан шумланмаганлар, фолбину сеҳргарларга бормаганлар, ўзларини ўтда куйдириб даволамаганлар, фақат ўз Роббисига

таваккул қилган кишилардир, дейилди.

Шунда Уккоша ибн Миҳсан туриб:

— Ё Расулulloҳ, дуо қилинг. Аллоҳ мени шулардан қилсин, — деди. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Эй Аллоҳ, буни ўшалардан бири қилгин, — деб дуо қилдилар.

Шундан сўнг бошқа одам туриб:

— Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин, — деди. Пайғамбаримиз, алайҳиссалом:

— Бунга Уккоша сендан олдин келди, — дедилар».

### **Салоҳиддин МУҲИДДИН таржималари**

# МАҲКАМ УШЛАНГ

ҳолда келадилар. Мен улардан олдин ҳавзи Кавсарга борган бўламан. Огоҳ бўлинглар, бир қанча кишилар ҳовузимдан адашган туяни ҳайдагандек ҳайдаладилар. Мен уларга, бу ёққа келинглар, деб нидо қиламан. Менга айтиладики, улар сиздан сўнг динни ўзгартиришган. Шунда мен: «Узоқ бўлинглар, узоқ бўлинглар», дейман.

\* \* \*

Умар ибн Ҳаттоб ўғиллари Абдуллоҳга (ҳар иккаласидан ҳам Аллоҳ рози бўлсин) ёзган эканлар: «Эй ўғилчам, Аллоҳдан қўрққин. Зеро, ким Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳ уни сақлайди. Унга ким таваккал қилса, Аллоҳ кифоя қилади, ким Унга шукр айтса, Аллоҳ унга неъматни зиёда қилади. Тақво сенинг кўз қорачигинг, қалбинг жилоси бўлсин.

Шуни яхши билгинки, ким Аллоҳ ҳузуридан савоб умид қилмаса, унга ажр ҳам йўқдир. Кимда шафқат бўлмаса, унда мол-дунё бўлмас, хулқи йўқда тиришқоқлик (янгилик) бўлмас.

Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анху, айтадилар:

— То кишида заифликдан бўлмаган мулойимлик, кўполликдан бўлмаган куч-қудрат то-

илми, фазилати туфайли Аллоҳдан қўрқади, гуноҳкор эса ақли камлигидан хотиржам юради».


### **Жаннат аҳллари**

Ибн Аббосдан, розийаллоҳу анху, айтдилар: «Бир куни Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, чиқиб дедилар:

— Менга барча умматлар кўрсатилди. Бир пайғамбар бир киши билан, яна бир пайғамбар икки киши билан, яна бир пайғамбар бир тўп кишилар билан, яна бир пайғамбар ёлғиз ўзи, ҳеч бир ҳамроҳи йўқ ҳолда ўтдилар. Сўнг жуда кўп оломонни кўрдим, улар кўплигидан узоқ-узоқ уфқларни ҳам тўсганлар, умид қилдимки, шулар менинг умматим бўлсалар. Шунда: булар Мусо, алайҳиссалом, қавмлари билан келяптилар, дейилди.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Уламолар кенгаши



# ҲИДОЯТ ЙЎЛИДАН АДАШМАНГ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Юзлаб китоблар ёзган олимлар, хусусан, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийдек зотлар мужтаҳидлик даъвосини қилмасдан, бизлар Куръон ва ҳадисдан ҳукм чиқаришга ожизмиз, деб турсалар, Куръони каримни тўғри таржима қила олмайдиган бу одам ўзини мужтаҳид ҳисоблаши ўта сафоҳатдан эмасми? Балки унинг шунча адашиб халқни шу бузук йўлга чақираётганига ҳам мана шу ғурури сабаб бўлгандир?

Юсуф ас-Саботин китобининг 30-саҳифасида яна шундай дейди: «Юрт-диёр масаласи ҳам шундай, чунки фақиҳлар берган таъриф мана бундай: «Аҳолисининг кўпчилик қисми мусулмон бўлса ҳам, куфр ҳукмлари татбиқ қилинаётган диёр куфр диёри бўлади. Аҳолисининг аксар қисми кофирлар бўлса-да, Ислому ҳукмлари татбиқ қилинаётган диёр дорул Ислому, яъни, Ислому диёри бўлади».

Унинг бу сўзи аввалгидан ҳам ажабланарли, чунки айтиб ўтганимиздек, у мужтаҳидлик даъвосини қилиб, Куръон ва ҳадисдан ҳукм чиқарамиз, деган эди. Энди эса «фақиҳларнинг сўзини» «далил» қилиб келтирмоқда. Бу айни тақлид ва мазҳабга эргашмоқликдир. Улуғлар айтадилар: «Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаган ишингни қил ва хоҳлаган сўзингни айт». Дарҳақиқат, Аллоҳ ва унинг Расулига, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, журъат қилиб, оят ва ҳадисларни ўз ўрнидан ўзгартирган инсон учун фақиҳларга тил теккизмоқлик осондир. Мазҳабимизда энг мўтабар бўлган фикҳ китобларидан «Дуррул мухтор» ва унинг шарҳи «Раддул мухтор»да шундай дейилади:

«Ислому диёри фақатгина мана бу учта шарт

тўпланганидан кейин куфр диёрига айланади:

1. Аҳли ширк ҳукмлари юритилмоғи билан».

Шу жойнинг ҳошиясида бундай дейлади:

«Мушрикларнинг ҳукми ошкор юритилиб, мусулмонларнинг ҳеч бир ҳукми юритилмагандан кейин куфр мамлакати бўлади».

Демак, мусулмонларнинг ҳукми ҳам, кофирларнинг ҳукми ҳам юритилган диёр куфр юрти бўлмайди.

2. Ислому диёри куфр мамлакатларига қўшилиб, бирлашиб қолса.

3. Мамлакатда бирор-бир тинч ва хавфсиз мусулмон қолмаса».

Ушбу учта шартнинг ҳаммаси бир мамлакатда топилса, у жой куфр мамлакатига айланади. Агар битта ёки иккитаси топилиб, бош-

қаси топилмаса, Ислому юрти бўлиб қолаверади. Ислому ҳукмлари деганда фақатгина сиёсий ҳукмлар эмас, балки жума ва ҳайит намозларини барпо қилиш, муфтий ва қози сайлаб унга эргашини буюриш ва ҳаж сафарига шароитлар яратиб бериш каби ҳукмлар ҳам тушунилади. Чунончи, мусанниф, алайҳир-роҳма, мазкур китобда шундай дейдилар:

«Дорул ҳарб (куфр юрти) мусулмонларнинг жума ва ҳайитига ўхшаган ҳукмлари юртилиши билан Ислому юртига айланади, агарчи у ерда кофирлар бўлса ҳам ва Ислому мамлакатига қўшни бўлмаса ҳам».

Бу далилларни инсоф билан ўйлаб, юртимизга қиёс қилиб кўрайлик. Куфр мамлакати бўлишининг шартларига келсак, мамлакатимизда Исломининг аксар ҳукмларига ошкора амал қилинмоқда. Раҳбарларимизнинг ҳаммалари ўзларининг мўмин эканларини баралла айтиб, ўзгаларни ҳам Ислому динида мустаҳкам бўлиб, бошқа динларга қўшилиб кетмасликка тарғиб қилиб турибдилар. Халқимизнинг тинч, фаровон яшаши, диний ва дунёвий тараққиётларга эришиши учун имкон қадар саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Демак, қалби пок мўмин инсон ўзини мусулмонлар мамлакатига яшаётганидан фахрланиб, мусулмон раҳбар қўл остида бўлиш неъматига шукроналар келтирмоғи лозим. Хулоса шуки, бизларнинг юртимиз расман «Ислому республикаси» деб аталмаса-да, шаръан Ислому диёри ҳукмидадир. Шундай экан, ҳозирги ҳолатимизни жоҳилият даврига ўхшатиб, унга қарши жиҳод қилиш фарз деб халқни ташвишга солиб, ҳар хил фитна ва иғволар чиқариш гуноҳи азимдир.

## Ҳаромни ҳалол деб бўладими?

«Ҳизбут таҳрир» фирқаси чиқарган «Исломда ижтимо низоми» китобининг 13-саҳифасида бундай ёзилади: «Аёл билан ҳаёт ўртасига тўсиқ қўйиб, Аллоҳнинг баъзи оятларини фақат эркакларга хослаб қўйдилар. Расулulloҳ билан байъат чоғида аёллар қўл билан кўришганлари ҳақидаги, аврат ҳақидаги ҳадисларни шаръий ҳукм тақозо этадиган йўсинда эмас, аёлга нисбатан ўзлари хоҳлаётган қолипга мос тарзда таъвил қилдилар».

Бу сўзлар, аввало, саҳобалар, қолаверса, мужтаҳидлар ва муҳаддис олимларга туҳматдир. Зеро, бу зотларнинг барчалари Аллоҳнинг дўстлари эканида ҳеч шубҳа йўқдир, чунки валоят (авлиёлик) ҳам ижтиҳод шартларидан биридир. Ҳадиси қудсийда марҳамат қилинадики:

«Ким менинг дўстларимдан бирига душманлик қилса, батаҳқиқ, мен у кимсага жанг эълон этдим» («Минҳажул-яқин»).

Аллоҳ жанг эълон этган кимса мана шу дунёда ҳам, охирада ҳам расво бўлиб, тўғри йўлдан адашади. Шоир айтганидек: «Эй баланд тоғни жароҳатлаш учун тош отувчи киши, тоққа эмас, ўз бошингга шафқат қилгин».

«Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўз раъйлари билан талқин этдилар», дейиш у зотларга нисбатан очиқ бўҳтон ва туҳматдир. «Ҳизбут таҳрир» фирқасининг китобларини ўқисак, ушбу фикрлар уларнинг ўзлари ҳақида айтилса ҳақиқат эканини кўраимиз. Оят ва ҳадис маъноларида бирор тафсирга эътимодсиз, улардан ҳукм олишда бирор-бир мужтаҳиднинг ижтиҳодига сунмасдан фикр юргизиш гўё уларнинг наздарида ҳеч зарарсиз нарса. Ваҳоланки, Жаноби Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қилиб айтадиларки:

«Кимки Қуръони карим ҳақида ўз фикри ила сўз юритса, ўз жойини дўзахдан тайёрлаб олсин» («Сунан»и Термизий).

Қуръони карим маъноларида ўз раъйлари билан сўз юритиб ва ҳадиси шарифлардан ҳавои нафслари билан ҳукм олаётган ушбу фирқа аъзолари охирадаги манзилларини қайси жойлардан тайёрлаётган эканлар?! Ҳолбуки, улар таъна тошини отаётган уламолар тафсир қоидаларига комил риоя қилган ҳолда Қуръони каримга тафсир ёзганлар ва ҳадиси шарифлардан мукаммал илм ва адолат ила ҳукмларни истинбот қилганлар. Аллоҳ таоло уларнинг барчаларини раҳмат қилган бўлсин.

Қуръон тафсири ҳақида сўз борар экан, билиш лозимки, тафсирни аввало Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қилганлар. Чунки Қуръони карим ул зотга нозил этилиб, унинг

маъноларини баён этиш ҳам ул зотга юклатилган. Расулulloҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ушбу маъноларни эшитган саҳобаи киромлар ўзларидан кейинги зотларга, яъни, тобеинларга етказганлар. Тобеинлар табаа тобеинларга... шу тариқа, бизнинг асримизгача давом этиб келмоқда. Ушбу тафсир «Тафсири манқул» деб номланади. Барча тафсирлар тафсири манқулга мувофиқ бўлиши шарт.

Мазкур «Исломда ижтимо низоми» китобининг 40-бетида шундай дейилади: «Чунки Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтган «кўришга қодир бўлса» лафзидаги бу ҳукм умумий бўлиб, юзни, кафтни ва улардан бошқа жойларни ичига олади. Бир эркак бир аёлни ўз никоҳига олмоқчи бўлса, совчи қўйишдан олдин билиб олиши учун зарур бўлган жойларига фақат билиб олиш мақсадида қараши мумкин».

Ҳадиси шарифни ўзларининг фосид қиёслари ила, уйлангучи киши ўзи ёқтирган аёлнинг юзи ва кафтидан бошқа жойларига ҳам қараши жоизлигига ҳужжат қилмоқдалар. Аёл кишининг юзи ва кафтига қараш жоизлигига ушбу бобдаги ҳадислар далолат қилса ҳам, бошқа аъзоларга қарашнинг дурустлигига далолат қилмайди. Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади:

«Бир киши Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, олдларига кириб: «Мен бир ансория аёлга уйланишни ирода қилдим», деди. Шунда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унга: «Ўзинг уйланмоқчи бўлган аёлни кўрдингми? (Кўрмаган бўлсанг, кўргин.) Чунки ансорларнинг кўзида бир нарса бордир», дедилар («Саҳиҳ»и Муслим).

Имом Нававий ушбу ҳадиси шарифнинг шарҳида шундай дейдилар: «Албатта, у киши учун никоҳига олмоқчи бўлган аёлнинг юзи ва икки кафтигагина қараш мубоҳ қилинди, чунки ушбу икки аъзо у киши учун аврат эмас». Аёлнинг юзи унинг жамолини билишга кифоя қилса, икки кафти у аёлнинг бошқа аъзолари қандайлигига далолат қилади.

Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинган ҳадиси шариф уйланмоқчи бўлган киши никоҳига олмоқчи бўлган аёлнинг юзигагина қарашлиги дуруст эканини билдиради. Чунки ҳадисдаги «ансорларнинг кўзларида бир нарса бордир» ибораси кўзга боғлангандир, кўз эса юзда жойлашган.

Демак, «Ҳизбут таҳрир» фирқаси ботил ижтиҳодлари билан аёл кишининг аврат бўлган аъзоларига қарашни ҳалол санамоқдалар. Уларнинг бу ишлари шайтон йўлига эргашганларининг яна бир равшан далилидир.

Мазкур китобнинг 58-саҳифасида шундай дейилади: «Қўл бериб кўришиш хусусида эса, Бухо-

рийнинг саҳиҳида келганига мувофиқ, эркак ва аёл қўл бериб кўришишлари мумкин. Умми Атийя дейдики: «Расулulloҳга байъат қилдик. **«Аёллар Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасинлар»**, оятини ўқиб бердилар ва ўликларга йиғлашдан қайтардилар. Шунда орамиздан бир аёл қўлини тортиб олди. Байъат қўл бериб кўришиш орқали бўлган эди».

«Ҳизбут таҳрир» фирқаси ўз нафс-ҳаволари даъво қилаётган нарсаларни шариатдан олмоқчи бўлиб, шаръий далиллар, Қуръони карим ва Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, муборак ҳадисларини бузиб талқин қиладилар. Жумладан, шариатимизда эркак киши бегона аёл билан қўл бериб кўришиши ҳаромдир. Аллоҳ таоло эркак кишини номаҳрам аёлга ҳатто назар қилишдан қайтариб, шундай дейди:

**«Сиз денг (эй Муҳаммад) мусулмон эрларгаки, паст қилсинлар кўзларини** (бегона аёлларга назар қилишдан)» (Нур, 30, мазмуни).

Сўнгра аёлларга ҳам шундай амр қилади:

**«Аёлларгаки, паст қилсинлар кўзларини»** (Нур, 31, мазмуни).

Жаноби Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёл киши авратдур», деганлар. Яъни, бегона аёл бегона эркакдан беркитиладиган аврат кабидир.

Бу хусусда кўглаб далилларни келтириш мумкин. Бегона аёлга назар қилишдан қайтараётган шариатимиз уни ушлашга ҳаргиз йўл қўймайди. Ҳаттоки улар қўл бериб кўришишнинг дурустлигига далил қилаётган «Байъат» ҳақидаги ҳадислар ҳам бу фирқанинг даъвоси хато эканини исботлайди. Уларнинг фикрича, эркак аёл билан қўл бериб кўришиши жоизлигига Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аёллар билан қилган байъатлари далил бўлади. Гўёки байъат вақтида Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аёлларнинг қўллари ушлаганлар, шунинг учун ул Зотнинг умматларига ҳам ушлаш мубоҳ бўлди. Шу ўринда байъат ҳақидаги оят тафсирига ва ҳадисларга назар қилиш керак бўлади. Ҳанафий мазҳабида ҳукм оятларнинг тафсири ҳисобланган «Ат-тафсиротул Аҳмадийя»да шундай ёзилади:

«Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аёллар билан қилган байъатлари эркаклар билан қилган байъатлари сингари қўл ушлашиш билан бўлган эмас, чунки номаҳрам аёлнинг қўлини ушлаш ҳаромдир. Аёллар байъати қандай бўлгани ҳақида бир неча хил ривоятлар мавжуд. Жумладан, баъзи уламолар «Расулulloҳнинг байъатлашувлари ўзларига маҳрам бўлган бирон бир аёлнинг воситаси билан бўлган», дейдилар. Яна бир ривоятда: «Пайғамбаримиз бир идишда сув келтиришни буюрдилар, сўнгра ўша идишга қўллари солдилар, сўнгра аёллар идишга қўллари солдилар», деб келтири-

лади. Бошқа бир ривоятда келтирилишича: «Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қўлларида Ямандан келтирилган мато бўлиб, аёллар ушбу матони ушлаганлар».

Энди аёллар байъати ҳақидаги ҳадиси шарифларга назар қиламиз. Имом Бухорий Урвадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилади: «Урва, розийаллоҳу анҳу, айтдилар:

«Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, аёллари Ойиша, розийаллоҳу анҳо, айтдилар: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ул зотнинг олдиларига келган мўмина-муҳожира аёлларни байъат ояти билан имтиҳон қилар эдилар. Кимки ушбу шартга иқрор қилса, «Таҳқиқ, мен сен билан байъатлашдим», дер эдилар. Аллоҳга қасамки, Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қўллари байъат вақтида бегона аёлнинг қўлини ушламагандир. Аёллар билан «Мен сизларнинг байъатларингизни қабул этдим», деган сўзлари билан байъатлашар эдилар».

Бу Имом Бухорий лафзлари. Ушбу маънони Имом Молик ва бошқа бир неча муҳаддислар ривоят қилган ҳадислардан ҳам олиш мумкин. Улар далил қилиб, юқорида келтирилган Умми Атийядан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинган: «Расулulloҳга байъат қилдик... шунда орамиздан бир аёл қўлини тортиб олди ва «Фалончи аёл менинг мусибатимда (яъни, ўтганларга йиғлашда) ёрдам қилган, мен ҳам унга ёрдам қилишни хоҳлайман» («Саҳиҳ»и Бухорий) ҳадисини юқорида биз келтирган ҳадислар ва мўътабар тафсир китоблари асосида таъвил қилиш лозим бўлади. Яъни, байъат вақтида қўлини тортиб олган аёл қўлини ўртада воситачи бўлиб турган аёлнинг қўлидан тортиб олган ёки Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қўлларидаги матони ушлашдан тортган. Агар бу ҳадис шундай таъвил қилинмаса, маъно Ойиша онамизнинг Аллоҳга қасам ичиб айтган сўзларига ва бошқа ҳадиси шарифларга зид келиб қолади. Маълумки, икки ҳадис бир-бирига зид келиб қолган вақтда ровийларга назар қилинади. Қайси бирининг ровийи ишончлироқ бўлса, ўша ҳадис олиниб, бошқаси унга мувофиқ тарзда таъвил қилинади. Албатта, Ойиша онамиз, розийаллоҳу анҳо, Расулulloҳнинг умр йўлдошлари бўлиб, бошқалардан кўра у кишига яқинроқ эдилар. Ҳамда ул Зотнинг ҳолатларини аниқ ва тўла ривоят қилганлар. Ўз гапларини Аллоҳга қасам ила келтиришлари ҳам ушбу ҳадиси шарифнинг кувватини зиёда қилади.

«Ҳизбут таҳрир» фирқаси фосид раъйлари билан аёл кишининг қўлини ушлаш ва кўришиш дурустлигига яна Қуръони каримдан ушбу оятни (Моида, 6) далил қилишади:

**«Ёки аёлларни ушласанглр...»**

«Бу оятдаги «аёлларни» лафзи барча аёллар

учун умумий бўлиб, ушлаш таҳоратни кетказиши оятдаги ҳукм аёлни ушлаган эркакнинг таҳорати кетишига чекланган, зеро, аёлларни шаҳватсиз ушлаш ҳаром эмас».

Уларнинг фикрича, бу оят бегона аёлларни ушлаш дурустлигига далолат қилиб, ундан собит бўладиган ҳукм фақатгина эркак кишининг таҳорати кетишлигидир. Бундай хулоса чиқариш очикдан-очик Аллоҳнинг китобини таҳриф ва табдил қилишдир (бузишдир). Чунки бу ояти карима таяммумга рухсат берилган ўринлар баёнидадир. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

**«Ва агар хаста бўлсангизлар ё сафарда бўлсангизлар ё сизлардан бир киши хало жойдин келса ё хотинларга яқин борсангизлар, кейин сизлар сув топмасангизлар, ул ҳолда қасд қилинглр пок тупроқни. Ва ани сурканглр юзларингизга ва қўлларингизга. Албатта, Аллоҳ афв этгучи ва мағфиратлик зотдир»** (Моида, 6, *Олтинхонтўра таржималари*).

Ҳанафий мазҳабида мўтабар тафсирлардан бўлмиш «Тафсири Насафий»да шундай зикр қилинади:

**«Яқин борсангизлар»**дан мурод «уларга яқинлик қилсанглр», деганидир. Ушбу ояти каримадаги шартнинг ҳукмига тўрт ҳолатдаги киши киритилди: касал, мусофир, таҳоратсиз, жунуб бўлган кишилар. Яъни, касал киши ҳаракатининг заифлиги сабабли сув топа олмаса ёки сув ишлатиш билан касаллиги кучайса; мусофир киши сув узоқлиги сабабли сувга қодир бўлмаса; таҳорати синган ва жунуб бўлган кишилар баъзи сабаблар билан таҳоратга ё фуслга етарли сув топа олмаса, улар тоза тупроқни қасд этиб, таяммум қиладилар.

Муфассирларнинг хулосаларига қараганда, бу оят аёл кишини ушлашга ҳеч қандай далолат бўлмас экан, уларнинг қўлларини ушлашга қандай далил қилсин. Парвардигор бизларни Қуръони каримга ўз ақли билан журъат қиладиган гумроҳлар каби бўлишдан асрасин.

### **Ботил қасам қурбонлари**

Биз «Ҳизбут таҳрир» фирқасининг китобларидаги хатоларини баён қилиб ўтдик. Энди уларнинг асосан халқ ичида фитна тарқалишига сабаб бўлаётган тухмат, бўҳтон ва ношукрлик билан ёзилган варақаларининг баъзиларига назар солайлик. Уларнинг топиб олган гаплари нуқул мусулмон раҳбарларни кофир деб қоралаш, Исломни ҳали тўла тушуниб етмаган авом халқни ўз раҳбарларига қарши исёнга чақиришдир. Уларда халқ раҳбарининг тасарруфи Аллоҳнинг қўлида эканига имон-ишонч йўқ. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан бу ҳақда шундай ҳадиси қудсий бор:

**«Мен Аллоҳман. Подшоҳларнинг подшоҳи-**

**ман. Подшоҳларнинг қалблари ва пешона сочлари менинг қўлимдадир. Агар бандаларим менга итоат қилсалар, мен подшоҳларни уларга раҳмли қилиб қўяман, агар менга гуноҳ қилсалар, мен подшоҳларни уларга қаҳрли қилиб қўяман. Бас, шундай экан, подшоҳларни сўкиш билан машғул бўлманглр. Балки менга тавба қилинглр. Ана ўшанда мен подшоҳларни сизларга меҳрибон қилиб қўяман».**

Ушбу маънода Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай марҳамат қиладилар:

**«Агар тоат аҳлидан бўлсаларинг, сизларга раҳмли подшоҳ раҳбар қилинади, агар гуноҳ аҳлидан бўлсаларинг, сизларга қаҳрли подшоҳ раҳбар қилинади»** (*Тафсири «Рухул баён»*).

Тарихдан маълумки, Ҳажжож Юсуф исмли подшоҳ мусулмонларга кўп зулмлар қилган. Унга халқ: «Сиз нима учун Ҳазрати Умар сингари одиллик қилмайсиз? Ахир сиз Умари одилнинг даврида яшагансиз ва у зотнинг адолатини кўргансиз-ку?» деганларида, Ҳажжож Юсуф уларга: «Сизлар Абу Зарр сингари тақволи, солиҳ бўлсаларингиз, мен сизларга Умари одил сингари адолат қиламан», деган экан.

Ушбу гаплардан маълум бўладики, подшоҳларнинг адолатли, меҳрибон бўлиши халқнинг салоҳияти, ибодати ва итоатига ҳам боғлиқдир. Шу боис ҳар бир мусулмон Аллоҳга тавба қилиши, ўз нафси ҳавосига қарши туриши, ўзидан жаҳолатни кетказиши керак. Қурол олиб мусулмон подшоҳларига қарши чиқиш разолатдир. Ҳизбчилар ношаръий қабиҳ ишлари бутун халқ бошига кулфат келтиришдан қўрқсинлар, чунки халқ агар тўғри йўлдан (аҳли сунна вал жамоа йўлидан) адашадиган бўлса, улар тепасига золим подшоҳ келади.



Раъно РАҲМОН қизи

# ОНАМНИНГ БИСОТИ

Аёл барибир аёл-да. Дунёда унга сандиқдан ҳам муҳимроқ нарса борми? Айниқса, қизлар учун онасининг сандиғини томоша қилишдан қизқарлироқ машғулот йўқ. Кейинги вақтларда онамнинг хоналарида ўтириб қолгудек бўлсак, албатта сандиқларини очиб, бор бисотларини — қачонлардир ўғил-қизлари, келину неваралари совға қилган нарсаларни бир-бир кўрсатиб, нималарнидир бизга илиниб, ҳақимизга дуо қиладилар. Кейин бошқа бир тугунни очиб, жиддий уқтира бошлайдилар: «Мана буларни эсингда сақлаб қўй: ўлим-лигимга аталган нарсалар, ўз ҳалол пулимдан, пенсиямдан, отангнинг даврида олинган нарсалардан. Ҳаммаси тоза, асил. Мени йўргаклаган кишини рози қилишларингиз керак. Мана бу рўмол энгагимни боғлашга, буни оёғим устига ташлайсиз, мана бу сув қуйганга, буниси ташиганга, булар ёрдамчиларга. Буни эса тобутнинг атрофига ўрайсизлар, мана бунисини устига ташлайсизлар... Манна бу пуллар хатм туширганларга, тушундингми?»

Онам сўзларининг давомини ичга ютиб, кўзларимга тикилганча, бошқача бўлиб қоладилар:

— Сўфи Оллоёр ҳазрат ёзган эканлар:

*Севиума гар сани дунё суйибдур,  
Суюбман деб кўзингга қум қуйибдур...*

Лекин дунёнинг иши барибир дунё билан экан-да, болам. Ҳув, кўнақишлоқлик Сарварани биласанми, кўпболали аёл эди, касал бўлиб ётиб, ўлиб қолди. Ўлик ўртада ётибди. Ташқарида домла жанозага шоширганидан эркаклар хотинларни қистайди. Бировдан садо чиқмайди. Элда ғассол сифатида танилганлар ҳам жим. Шунда ўзимга сиғмай кетдим. Сакраб ўрнимдан турдим, эй мусулмонлар, дедим, Сарваранинг моли дунёси тўлиб-тошиб, эри қариллаб, болалари тариллаб юрганида эди, кўлимиз билан эмас, тилимиз билан ялаб, покламасмидик? Қани, ким ўлмай дунёга устун бўлмоқчи? Сен устун бўлмоқчимисан, Фоти? Бу бир худойимнинг синови, агар билсангизлар, дедим. Енгимни шимардим. Бир, икки хотин қимирлаб, кейин «суякка киргувчилар» кўпайишиб қолдик. Бир зумда тахтага олиб, ювиб-тараб бердик. Ғарибгина, кўп ётгани билан фаришталар тозалаб қўйгандек пок-покиза экан. Бунга кўп вақтлар бўлди. Аммо болалари кўп маънили чиқди. Ҳозир кўрсанг, ҳайрон қоласан. Уй-жойларни қуриб таш-



лашган. Бир ўғли туманда каттаконлардан, яна бир ўғли қишлоқда. Қизларини айтмайсанми, эл-юртнинг жони-дилидек дўхтир. Қишлоқда бировнинг боши ёстиққа тегди дегунича «Сарваранинг қизига» югуришади. Дўхтирнинг ўз оти унутилиб кетган. Катта-кичик бирдай «Сарваранинг қизи» дейишади... Буни қара, гапдан гапни очиб, шунча жойларга кетиб қолибман.

Онам яна «Сўфи Оллоёр»ни кўлларига олганча, давом этдилар:

— Дунёни тушуниб бўлмас экан.

Камбағаллик қурсин, десам, бойлик ундан ҳам ёмонроқ экан, болам. Мана бу китобадаги гапларни ўқисанг эди. Ҳамма бўладиган ишларни рўй-рост айтиб қўйибди. Шунда ҳам аллақандай латта-путталарни ўлимлигимга деб безаниб ўтирганимни қара, бандамиз-да, бандамиз... У ёқда холимиз нечук бўлишини ўйламаймиз-у, ўлганимизда устимизга ёпиладиган латталарни ўйлаймиз.

Онам ўз мулоҳазаларига ўзи жавоб қидириб, топгандай бўлиб, сўзлар эдилар:

— Дунёнинг иши дунёча бўлаверар экан. Унинг сирларига биздан бурунгилар етибдимик, биз ета олсак... Менам энди пишиб турган қовунман, болам. Бир кун бандим чирт узилганини билмай ҳам қоласизлар. Шунга сафар жабдуғини тайёрлаб қўйганимиз яхши, шошиб қолмайсизлар, ўраб-чирмаб элтиб қўяқоласизлар...

Онам «иш тамом» дегандек кулимсиб қўйсалар-да, бу табассум тагида мен ҳали тагига етишим қийин бўлган қандайдир мавҳум бир интизорликдан юрагим орзиқиб, дедим:

— Ота-она фарзандларга шу даражада қайғурар эканки, иложи бўлса, улар қийналмасин деб ўша жойга ҳам ҳеч кимга оғирлигимни солмай, ўзим жойлашиб олсам, дер экан...

Онам ёшларникидек тиниқ овозларини жанраглатиб, бир яйраб кулдилар. Назаримда кулгилари ичларидаги оппоқ қаср деворларига урилиб-урилиб, бўғизларидан сирғалиб чиқди-да, шу ишига пушаймон бўлгандек этакларига тўкиларди. Кейин ҳушёр тортиб:

— Бўлди, охиратнинг бошқа хизматлари ҳам бор, тур, пешин вақти кирди, намозни ўқиб олайлик, — дедилар.

Менинг жавобимни ҳам кутмай, нарсаларни йиғиштириб, сандиққа жойладилар-да, жойнамозни ёйдилар. Оқ рўмолларини пешоналарига

босиб ўраб, у ёқ-бу ёқларини тутатиб, бир чиройли тавозу билан жойномозга чиқдилар. Мени, шунча гап-сўзларни, дунёларни ҳам бутунлай унутиб, муштдеккина жуссалари яна ҳам кичрайиб, бир тутамгина бўлганича, ўзлари айтганларидек, гўё охираст остонасида турар эдилар. Шу туришларини кўриб, дунёнинг ниҳоятда бевафо, ўткинчилигини илк марта англаб, юрагим орқага тортиб кетди. Шундай онажонимиз бирдан йўқ бўлиб қолишлари мумкин-ку. Ўзим-чи? Дунёга эндигина келганим, ҳаёт ҳали олдиндалиги, эндигина ўн гулимдан бир гулим очилганию орзу-ҳаваслар ичида хотиржам юрганганимни англадим. Ҳаёт дегани олиб турган нафасим, шундай бурнимнинг тагида сал шабадага ўчиб қолиши мумкин шамдек липиллаб турганини биринчи бор ҳис қилиб, титроққа тушдим. Бу титроқ бир кун ҳаётдан кетиш қўрқувими, ўлим ваҳмими? Сўзга сизмас, хаёлга келмас қандайдир ҳақиқатларни ички сезги ила сал-пал англаганимданми, онажоним саждага бош қўярдилар-у, мен у кишининг оёқларига бош қўйгим, негадир тўлиб-тўлиб йиғлагим келарди.

Онам намозни тутатдилар, анча вақт пичирлаб ўтириб сўнг қўлларини дуога очдилар. «...Бизни ўзинг афв этгин, Худойим. Кўп қаторида ёрлақаб, берган неъматларининг энг ширини бўлган фарзандларимни ҳам Ўзинг паноҳингда асрагин!» Ҳеч бирининг ёмонлигини кўрсатмагин. Имон-эътиқодда собит қилгин, яхшиларнинг йўлларига чиқариб қўйгин. Ўзингга ҳамду санолар бўлсин, ё Роббал олайим...»


Энди билсам онажоним, ўзлари учун ҳеч нарса сўрамаган онажонимиз бутун умр фарзандлари гамида йўқликка сингиб яшабдилар. Фидо бўла-бўла, бизга бахтиқбол тилай-тилай, Ҳақни топибдилар. Шундай онага фарзанд бўлганим учун дил-дилдан шукр қилганимча: «Онажонимни муносиб мукофотларинг ила ҳушнуд қилгин, Аллоҳим», деб илтижо этаман.

*Ассалому алайкум, «Ҳидоят» журнали ходимлари! Аллоҳнинг инояти билан шу йилдан бошлаб мен журнални мунтазам ўқиб бормоқдаман. Менга «Саҳобалар ҳаёти», «Мулоҳоза», «Насиҳат», «Тафаккур», «Ҳолат», «Амри маъруф» руқилари жуда маъқул бўлмоқда. Сизлардан илтимосим шуки, журналда таниқли ёзувчи, шоир ҳамда адабиётшуносларнинг суҳбат, мақола, ҳикоя ва шеърларини кўпроқ бериб борсангиз. Қуйидаги кичик бир мақолам билан журналда мен ҳам қатнашмоқчи эдим.*

## ИЛМСИЗЛИК

Дўконимизга доимо ўз бошига тушаётган гаму ташвишлардан нолиб юрадиган бир аёл келиб савдо қилади. Яқинда у яна нолиб қолди. Мен ундан: «Намоз ўқийсизми?» деб сўрадим. У эса ажабланиб: «Қизиқ экансиз, бу савдоларга намознинг нима алоқаси бор, эримнинг топиш-тутиши яхши, кўз теккан, холос. Шунинг учун дард аримамай қолди», дея истеҳзо билан жавоб берди.

Ё Раб, эллик-олтмиш ёшлардаги бу неварали онахонга нима дейиш мумкин? Ахир Аллоҳ таоло барчамизни Ўзига қуллик қилиш учун



яратган-ку! Масалан, намоз ҳам қуллигимизнинг бир ифодасидир. Намоз ҳар қандай дардга малҳам, келажак фалокатларни тўсадиган бир тўғон. Бу оддий ҳақиқатни англамай, моддиятга берилиб, модданинг қулига, асирга айланиш руҳиятни ўлдиради, бора-бора маънавий инқирозга олиб келади. Негаки, руҳ модда билан озикланмайди. Уни Аллоҳга имон, унга ибодат ва бандалик қилиш йўли билан тўйдириш мумкин. Ҳеч нарсага ишонмаслик ва имонсизлик тафаккуримизда чуқур бўшлиқни пайдо қилади, руҳан заифлашувимизга сабаб бўлади. Бу эса бора-бора турли касалликларни келтириб чиқаради. Шундан сўнг бечора танани «тажриба майдонча»сига айлантириб, даволашга тушилади. Ваҳоланки, бу ерда танани эмас, руҳни даволаш керак.

Энди тасаввур қилинг, шу ишончсизлик, илмсизлик билан ҳалиги аёл неча фарзандини вояга етказдию яна қанча неварога момолик қияпти? Унинг кемтик тасаввури воситасида тарбияланган болалари ҳаётда не-не машаққату азобларга гирифтор бўлиб, адашиб юрибди. Буларнинг бари саводсизлик, ўқимаслик балоси эмасми?

Мавлоно Румий шундай дейди: «Шундай бир олам борки, уни қидирмоғимиз лозим. Бу дунё ва ундаги гўзал, хуш нарсалар инсоннинг ҳайвонлик тарафининг насибасидир. Улар ҳайвонликка куч беради. Асос бўлган инсонлик жиҳати эса кундан-кунга заифлашади. Ҳайвонлик тарафининг озукаси – шаҳват кўзгатувчи нарсалар ва орзулардир. Инсонлик тарафининг озукаси эса, билим, ҳикмат ва Аллоҳнинг жамолидир».

Яратувчи Аллоҳ барчага руҳ ва тана фароғатини насиб этсин.

Дилшода ШАФОАТ қизи,  
Ангор тумани

# МЎМИННИНГ МЕЪРОЖИ

## ЎН ТЎҚИЗИНЧИ САБОҚ



### Ҳайит намозлари

Ҳайит намозлари иккитадир. Бири Рамазон ҳайитида, иккинчиси Қурбон ҳайитида ўқилади. Ҳайит намозлари жума намози фарз бўлган кишиларга вожибдир. Икки ҳайит намози ҳам бир хил тартибда адо қилинади. Ҳайит намозларини қуёш икки найза баландлигида кўтарилганидан сўнг заволгача ўқиш мумкин. Ҳайит намозини ўқишга (жамоатга) улгурмаган киши ўзи ўқимайди. Рўза ҳайити куни узр бўлиб, жамоат уни ўқиёлмаса, эртасига ўқиш жоиз. Қурбон ҳайити намози ҳайит куни ўқилмаса, кейинги икки кунда ўқилиши мумкин.

Ҳайит намозлари икки ракат вожиб намоз бўлиб, бундай ўқилади: Жамоат намоз ўқишга ҳозир бўлиб саф тортганидан сўнг ҳайит намози ўқишга ният қилиб (*Ният: «Шу вақтда вожиб бўлган Рамазон (Қурбон) ҳайити намозини барча такбирлари билан, шу имомга иқтидо қилиб, юзимни Каъбанинг бир тарафига қаратиб, ҳолис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим»*) такбири таҳрима айтилади (ҳайит намозлари учун иқомат айтилмайди). Ва қўллар боғланиб, киндик остида тугилади.

Такбири таҳрима айтилиб, қўллар боғланганидан сўнг сано ўқилади. Кейин имом эшиттириб, қавм ичларида уч бор такбир (Аллоҳу

акбар) айтади. Ҳар такбирда қўллар қулоқлар тўғриси-гача кўтарилади. Такбирлар орасида қўллар боғланмайди, ёнда тугилади. Бу тариқа уч бор такбир айтилгач, имом эшиттириб қироат қилади. Қавм жим эшитади. Қироатдан сўнг руку ва сужуд қилиниб, иккинчи ракатга турилади.

Иккинчи ракатда имом қироатни тугатганидан сўнг, рукудан олдин, биринчи ракатда айтилганидек уч бор такбир айтилади. Ва яна бир, тўртинчи такбир айтилиб, рукуга борилади ва сажда қилинади. Саждадан сўнг ўтириб ташаҳхуд, саловат ва дуо ўқиб салом берилади.

Саломдан сўнг имом минбарга чиқиб иккита хутба ўқийди. Биринчи хутбани кетма-кет тўққиз такбир, иккинчи хутбани етти такбир айтиб бошлаши ва иккинчи хутбани ўн тўрт такбир айтиб тугатиши мустаҳабдир.

Икки ҳайит намозига гусл қилиб, энг яхши кийимларини кийиб, хушбўй бўлиб бориш суннатдир. Рўза ҳайити намозини адо қилишга боришдан олдин бирор нарса еб олиш суннат бўлади. Қурбон ҳайити намозини ўқиб бўлгунча ҳеч нарса емаслик суннатдир. Қурбон ҳайити намозини ўқишга боришда йўлда овоз чиқариб такбири ташриқ айтилади.

Такбири ташриқ будир: *«Аллоҳу акбар, Аллоҳу ак-*

*бар. Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбар. Ва лиллаҳил ҳамд».*

Такбири ташриқ айтиш вожибдир. У Қурбон ҳайитининг арафа кунидан бошланиб, яъни, Зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни бомдоднинг фарз намозидан сўнг бошлаб айтилиб, ўн учинчи куни асрининг фарзидан сўнг тугатилади. Ҳаммаси бўлиб йигирма уч фарз намозидан сўнг айтилади.

### Мусофирнинг намози

Пиёда ё туяда, ўрта юриш билан, уч кеча-кунлик манзилга боришни қасд қилиб қишлоғи ё шаҳридан чиққан киши мусофирдир.

Мусофирга, ватанига қайтгунча ё бирор яшаш мумкин бўлган жойда тўхтаб муқим бўлишни (иқомат) ният қилгунча, тўрт ракатли фарз намозларини тўла ўқиш гуноҳдир. Шундай бўлса-да, мусофир тўрт ракатли фарз намозларни тўла ўқиганида олдинги қаъдада ўтирса, намози дуруст бўлади. Агар унутиб аввалги қаъдада ўтирмаса, намози бузилади.

Мусофир бир шаҳар ё қишлоққа ўн беш кеча-кун туришни (иқоматни) ният қилиб қўнса, муқимга айланади ва тўрт ракатли фарз намозларини тўла ўқийди. Шунингдек, мусофир тўрт ракатли фарзнинг вақтида муқимга иқтидо қилса ҳам, тўла ўқийди. Мусофир тўрт ракатли фарзни вақтидан



# Бир саволим бор



*Ассалому алайкум, таҳририят ходимлари! Менинг рамазон рўзаси ҳукмларига оид бир неча саволларим бор. Уларга жавоб беришингизни илтимос қиламан.*

*Зоҳиджон ОЛИМОВ,  
Қўрғонтепа*

**1. Таҳоратда оғизни чайгандан сўнг қолган намликни ютса, рўза очиладими?**

**Жавоб:** Йўқ. Таҳоратда оғизни чайгандан сўнг қолган намликни ютиш билан рўза очилмайди (“Муҳит”. Сарахсий).

**2. Кўзёши ё тер томчиси оғизга тушиб, ичга кетса, рўза очиладими?**

**Жавоб:** Кўзёши ё тернинг, бир-икки томчиси ичга кетса, рўза очилмайди. Аммо кўзёши ё тер кўп миқдорда оғизга кириб, шўр таъми бутун оғизни тутса ва ичга кетса, рўза бузилади (“Хулоса”).

**3. Рўзадор киши ёмғир томчиси ё қор учқунини ютса, ҳукми нима бўлади?**

**Жавоб:** Ёмғир томчиси ё қор

учқуни рўзадорнинг оғзига тушиб, ичга кетса, рўзаси очилади (“Заҳирия”).

**4. Тишлар орасидан чиққан қон ичга кетса, рўза бузиладими?**

**Жавоб:** Тишлар орасидан чиққан қон оғиздаги тупукдан кам бўлса ва ичга кетса, рўза очилмайди. Аммо у тупук билан тенг миқдорда ё тупукдан кўп бўлиб ва ичга кетса, рўза очилади (“Хулоса”).

**5. Кексалиги ё касаллиги сабабли рўза тутолмаган киши ҳам садақаи фитр берадими?**

**Жавоб:** Ҳа. Кексалиги ё касаллиги сабабидан рўза тутолмаган киши ҳожатидан ортиқ моли закот нисобига етган бўлса, фитр садақасини бериши зарур (“Фатовои Оламгирия”).

**6. Рўзадор одам қон олдира буладими?**

**Жавоб:** Ҳа. Фақат қон олдириш танадан қувват кетишига сабаб бўлганидан, рўзадор оғиз очишга яқин вақтда қон олдиради. Бинобарин, қон олдира

заиф бўлиб қолишдан хавфсиз раган кишининг қон олдириши макруҳдир (“Фатовои Оламгирия”).

**7. Шаввол ойида олти кун рўза тутишининг ҳукми нима?**

**Жавоб:** Шаввол ойида кетма-кет олти кун рўза тутиш макруҳдир. Аммо Шаввол ойида ҳар ҳафтада икки кундан, бўлиб-бўлиб, олти кун рўза тутиш мустаҳабдир (“Фатовои Оламгирия”).

*Саҳардан сўнг ё кундузи ухлаб эҳтилом бўлган кишининг рўзаси очиладими?*

*Тилла ХОЛДОРОВ,  
Сариосиё*

**Жавоб:** Йўқ. Саҳардан сўнг ё кундузи ухлаб эҳтилом бўлган кишининг рўзаси очилмайди (“Муҳит”. Сарахсий).

**Муҳаммад Шариф ЖУМАН**  
*тайёрлади*

сўнг муқимга иқтидо қилиб ўқиши дуруст бўлмайди.

Мусофир барча ҳолда — намоз вақтида ҳам, сўнг ҳам, муқимларга имом бўлиши мумкин. Мусофир тўрт ракатли фарз намозларда муқимларга имом бўлса, икки ракат ўқигач, салом беради ва: «Мен мусофирман, намозларингизни тугал ўқинглар», дейди. Шундай деб қўйиши мустаҳаб-


дир. Сўнг муқимлар қолган икки ракатни ўзлари туриб, лоҳиқ каби, қироат қилмай адо этадилар.

Аввалги яшаш жойига меҳмонга келган киши, у ер уч кеча-кунлик узоқликда бўлса, мусофир ҳукмига ўтади. Сафарга чиққан киши, уч кеча-кунлик масофа юрмай ватанига қайтмоқчи бўлса, қайтган замон муқимга айланади.

Мусофир иқомат жойига яна сафар билан қайтса, у ерда муқим бўлиш учун янги ният қилиши керак.

Мусофир яшаш жойига қайтиши билан муқимга айланади. Мусофир имкон ва фурсат кенглигида суннат намозларни қолдирмай ўқиши керак.

**Муҳаммад СИДДИҚ**



Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

## ЭР-ХОТИНЛИК АСОСЛАРИ

САККИЗИНЧИ БОБ



### Эрнинг хотин зиммасидаги ҳақлари

Имом Муслим ва Аҳмад Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан, розийаллоҳу анҳумо, ривоят қиладилар. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қилдилар: «Дунё ҳузурбахш нарсадир. Ундаги энг яхши ҳузурбахш солиҳа аёлдир».

Солиҳа аёл биринчи ўринда Аллоҳ таолонинг ҳаққини адо қилади, сўнг эрининг ҳаққига рия қилади. Қуйидагилар солиҳа аёлнинг сифатларидир:

— у уйига боғланган бўлади: ҳожат бўлмаганида чиқмайди, ўз ҳолини яхшилаш, уйини тартибга келтириш, болаларини тарбиялаш, оиласини бахтиёр қилиш унинг мақсади бўлади;

— намозларни вақтида адо этади;

— Рамазон ойида рўза тутади;

— Аллоҳни ёдидан чиқармайди;

— Аллоҳ таоло берган насибасига қаноат қилади.

Хотин эрининг ҳақларини билиб, уларни адо қилганидагина солиҳа хотин бўлади.

Эрнинг хотин олдидаги энг муҳим ҳақлари қуйидагилар:

1. Хотин эрининг ҳаққини ўз ҳаққидан ва ҳамма яқинларининг ҳаққидан ҳам олдинга қўйиши керак. Чунки эрнинг

хотин зиммасидаги ҳаққи жуда каттадир.

2. Ҳайз ва нифос кунларидан бошқа барча ҳолда, эри ундан ором ва лаззат олишни истаган пайтда тайёр бўлиши лозим. Эрига тўсқинлик қилиши, эрининг у билан қўшилиш истагини ҳар қандай вақтда, қайтариши мумкин эмас. Агар эрининг рағбати-га жавоб бермаса, гуноҳкор бўлади. Фаришталар уни лаънатлайди. Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат этдилар: «Эр хотинини тўшакка чақирганида хотин бош тортса, эри бундан газабланиб, уйқуга кетса, фаришталар у хотинни тонг отгунча лаънатлайди».

Термизий ва Насоий Талх ибн Алидан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: «Эр хотинини ҳожатига чақирганида хотин тандир олдида бўлса-да, келсин».

Бу ҳақ эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақларидан биридир. Зеро, хотин эрининг эҳтиёжини ўйлаши иккисининг ҳам бахтли бўлишларининг асосий омилидир. Шунингдек, аёлнинг хотинлик масъулиятини билмаслиги, эрининг бу ҳаққига эътибор қилмаслиги кулфат, жанжалга сабаб бўлади, кўп ҳолда ажралишга олиб боради.

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай дейдилар: «Агар хотин эрининг

тўшагидан айрилиб ухласа, тонг отгунча уни фаришталар лаънатлайди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

3. Хотин эридан рухсат олмай нафл рўза тутиши мумкин эмас. Чунки рўза баҳра олишга тўсиқдир. Аёл нафл рўза тутса, эри у билан кундуз куни қўшилмайди. Қўшилиш эрининг ҳаққидир. Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Аёл эри ҳозир бўлганида унинг ижозатисиз рўза тутиши ва рухсатисиз уйига кимсани қўйиши мумкин эмас».

4. Хотин эри уйдан унинг ижозатисиз бирор нарсени ўзининг яқинларига ҳам бериши керак эмас. Агар берса, хотинга гуноҳ, эрга савоб бўлади. Тўғри, фақат таомидан бузмай садақа қилса, бўлади. Бу ҳақда Имом Бухорий Ойишадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Агар хотин эрининг таомидан бузмай садақа қилса, унга бергани учун, эрига топгани учун савоб бўлади. Асраганга ҳам ана шунча савоб бор».

5. Хотин эридан рухсат олмай уйдан чиқиши, маҳрамларидан бири билан сафар қилиши, уйдан бошқа жойда ишлаши мумкин эмас. Эри истамаса аёллар билан ҳам аралашмаслиги керак.

(Давоми. Бошланғичи ўтган сонларда)

6. Хотин Аллоҳ таоло берган насибага рози бўлиши, эрига инжиқлик қилмаслиги керак. Маишат қийинчилиги ё ҳол ночорлиги учун ғазабланмаслиги ва оҳ-воҳ урмаслиги лозим. Балки хушнудлик ва қаноат кўрсатиб, эрининг ризқ топишдаги машаққатларини қадрлаши, ҳаром касбга ўтишидан қўрқиб, ундан ҳожатидан ортигини талаб қилмаслиги даркор. Эрини ҳам қаноатга ундаб, ҳаром йўллардан огоҳлантириши зарур. Момоларимиз, Аллоҳ таоло уларни раҳматига олсин, эрларини кузатаётиб, шундай дер эдилар: «Ҳаром касбдан сақланинг! Биз очлик ва қийинчиликка чидаймиз, аммо оташга чидаёлмаймиз».

7. Хотин авратини беркитиши, рухсорини маҳрамларидан бошқага очмаслиги билан ўзини сақлаши лозим. Аёлнинг яланғочланиши, кийимларини эридан ўзганинг олдида ечиши, калта ва шаффоф кийимлар кийиши ҳаромдир. Бунда катта бузуқлик бўлади. Имом Аҳмад, Термизий ва Абу Довуд Ойиша онамиздан, розийаллоҳу анҳо, ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, эшитдим, Расулulloҳ шундай дедилар: «Аёл эрининг уйдан бошқа жойда кийимини ечса, ўзини Парвардигори олдида шарманда қилади».

8. Хотин эрининг дўстига ўзини танитмаслиги керак. Балки уни таниганга ё ўзига танишга нотанишдек бўлиши лозим. Эри уйида бўлмаганида унинг дўсти эшик қоқса, ўзи ва эрига рашк қилиб, у билан сўзлашмасин. Зеро, кишининг дўсти билан танишуви рашк ва фитнага сабаб бўлади.

9. Хотин гўзаллиги билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар молдор бой бўлса, эри олдида моли билан гурурланмас-

лиги керак. Балки унинг ижобий томонини назарга олиши, уни ҳурмат қилиши ва қадрлаши лозим.

10. Хотин фарзандларига раҳм қилиши, уларни ҳурмат қилиши, фарзандларни уришиб, лаънатлашдан, эрига юзсизлик билан мурожаат қилишдан тилини тийиши, унинг хизматлари ва марҳаматларини инкор этмаслиги керак. Бу жуда муҳим, оз аёлларгина риоя этадиган хислатдир. Зеро, аёллар болаларни лаънатлаш, эридан озгина ёмонлик содир бўлгани учун унинг ҳамма яхшиликларини инкор этиш билан машхурдир. Шунинг учун ҳам дўзахийларнинг кўпини аёллар ташкил қилади. Имом Бухорий, Муслим ва Аҳмад шундай маънодаги ҳадисни ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дўзахийларнинг кўпи аёллар», деганлар. Бунинг сабабини сўрашганида шундай жавоб қилганлар: «Кўп лаънатлашади, эрларидан рози бўлишмайди». Ҳадисда келганидек, уларга бир умр яхшилик қилсанг, сўнг сендан бир ёмонлик кўрсалар, сендан ҳеч яхшилик кўрмадим, дейишади.

Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бу ҳадисларидан мурод аёлларни бу ёмон хислатни тарк қилишга ундашдир. Бу ҳадисни, баъзи жоҳиллар ўйлаганидек, аёллар ҳуқуқи топталган, деб тушуниш ярамайди. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бор воқеъликни айтганлар. Унинг маъносини бузиш мумкин эмас. Балки аёлни болаларини лаънатлаб уришмайдиган солиҳа она бўлиши, эрининг ҳаққи ва устунлигини билладиган вафодор хотин бўлиши учун ёшлигидан яхши хулқли, гўзал хислатли этиб тарбиялаш керак. Ана шунда у Аллоҳ таолони рози қилади ва марҳаматига ноил бўлади.

## Хотиннинг эри зиммасидаги ҳақлари

Эрнинг хотини зиммасидаги ҳаққи унинг ўзигагина тегишли. Хотиннинг молида эрнинг ҳаққи йўқ. Юқорида зикр этганимиз, эрнинг хотин зиммасидаги ҳақлари, эр-хотинлик ҳуқуқлари шахсий ҳуқуқлардир. Эрнинг хотини молида мутлақо ҳаққи йўқ. Хотини рози бўлиб берса, олади. Хотин ўз молини истаганича ишлатади.

Хотиннинг эри зиммасидаги ҳаққи эса, эрнинг ўзига ҳам, молига ҳам тегишлидир. Хотиннинг эри зиммасида маҳр ва нафақа сингари молиявий ва эрнинг зиммасидаги шахсий ҳақлари бор.

*Хотиннинг эри зиммасидаги ҳақлари қуйидагилар:*

1. Эр хотинга хушфёъл бўлиши, у билан яхши муомала қилиши, бирга фаровон ҳаёт ўтказиши; унга озор етказмаслиги керак. Бу билан Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳадисларига амал қилган бўлади. Термизий ривоят қилган ҳадиснинг маъноси шундай: «Сизларнинг энг яхшиларингиз хотинларига яхшиларингиздир».

Бунинг маъноси: «Эркакларнинг энг яхшиси ва эзгулиси кўчада юмшоқ, мулойим ва хушфёъл бўлиб, хотинга кўпол ва тунд эмас, балки хотинига яхши муомала қилувчи эркақдир. Зеро, аёл яхшилик ва мулойимлик кўрсатишга муносибдир».

2. Эр хотинининг озорини кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанида мулойим бўлиши, унинг хатоларини кечирishi керак. Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, ниҳоятда кечиримли ва хушфёъл бўлганлар. Муслим шундай ривоят қиладилар: Анас ибн Молик, розийаллоҳу анҳу, айтадилар: «Расулulloҳдан бошқа оиласига меҳрибонроқ бирортани кўрмадим».

3. Эркак хотини билан ўз қадрини туширмайдиган даражада ҳазиллашиши, чақчақлашиши ва ўйнашиши керак. Бу ишлар аёл қалбини кўтаради.

4. Эркак аёлини қизғаниши, унинг ор ва номусини сақлаши керак. Оқибати бузуқ бўладиган ҳар қандай ҳолга бепарво бўлмаслиги лозим. Аммо ёмон ўйда, талабчанликда, ични билишда ҳаддан ошиш дуруст эмас. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бундан қайтарганлар. Муслим Жобирдан, розийаллоҳу анҳу, шундай ривоят қилдилар: «Расулulloҳ эркакни оиласига ишонмай ё хатоларини излаб, кечкурунда келишдан қайтарганлар».

5. Эр хотиннинг ўзига танҳо жой қилиб бериши, у ерда эр яқинларидан бирортаси бўлмаслиги керак.

Талоқ сурасининг 6-ояти мазмуни шундай: «**Аёлларни ўзингиз турган жойдан имконингизга яраша жойга жойлаштиринг**».

6. Эр хотинга бериши лозим бўлган маҳрни қанча бўлса-да, тўла бериши керак. Маҳр танҳо хотиннинг ҳаққидир.

Нисо сурасидаги 20-оят маъноси шундай: «**Агар хотинни қўйиб бошқасига уйланмоқчи бўлсангиз ва улардан бирига жуда катта мол берган бўлсангиз ҳам, ундан бирор нарсани очик бўҳтон қилиб, гуноҳкор бўлиб, уни оласизми? Олманг!**»

7. Эр хотинини етарли озиқ-овқат ва кийим-бош каби эҳтиёжларини, исроф этмай, таъминлаши керак. Эр харжлари учун ажр ва савобга эришади. Имом Бухорий ва Муслим «Саҳиҳ»ларида шундай келган: «Саъд ибн Абу Ваққос, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилдилар: «Сен Аллоҳ таоло розилигини истаб қилган ҳар қандай харжинг учун ажр оласан. Ҳатто хотининг оғзига

солган таоминг учун ҳам сенга ажр бор». Яна Абу Масъуд Бадрий, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилдилар: Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар: «Эр оиласига харж қилиб, бундан Аллоҳ розилигини умид этса, бу харжига ажр берилади».

8. Эр хотинга диний масалаларни, агар билмаса, ўргатиши лозим. Аввало, имон рукнларидан ва барча эътиқодий масалалардан бошлаб, таҳорат, ҳайз, намоз, рўза ва бошқа амалларга боғлиқ зарурий шаръий ҳукмларни билдириши ва доимо намозга ундаб туриши керак. Зеро, эр шунга буюрилган.

Тоҳа сурасининг 132-ояти мазмуни шундай: «**Аҳлингизни намозга буюринг ва унда маҳкам туринг!**»

Таҳрим сурасининг 6-ояти мазмуни шундай: «**Эй мўминлар! Ўзларингизни ва оилангизни ёқилгиси тошлар ва инсонлар бўлган оташдан сақланглар! У оташ ишини Аллоҳ амридан бош тортмайдиган, буюрилганларини бажарувчи, қатъиятли ва кучли фаришталар юритадилар**».

9. Эр аёлларга бирдай одилона қараши лозим. Мол, нафақа ва бирга бўлишда бирини бошқаларидан ортиқ қилмаслиги керак. Қалб майлидан бошқа барча ишда уларга бир хилда қараши керак. Қалбнинг улардан бирига кўпроқ мойил бўлиши гуноҳ эмас. Чунки инсон қалб майлини бошқаролмайди. «Сунан» соҳиблари шундай ривоят қилишган: «Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қилдилар: «Икки хотинли киши улардан бирига иккинчисига кўра кўпроқ мойил бўлса, қиёмат куни ярми томони эгик бўлиб келади».

10. Эр, агар хотини исён ва ахлоқсизлик қилса, уни тўғри йўлга солиш учун одоб бериши керак. Бу нарса хотинини ўзига

бўйсунушга ундаш учунгина эмас, балки биринчи навбатда Аллоҳ таолога итоат этишга ундаш мақсадида бўлиши даркор. Агар хотин намозни қолдирса, эри уни намозни адо қилишга қатъий ва кескин буюриши лозим. Хотиннинг бирор фарзни қолдиришига ё бирор ҳаром ишга қўл уришига эр йўл қўймаслиги керак. Зеро, эр унинг қўриқчиси ва унга масъулдир.

Аммо унга одоб беришни босқич билан олиб бориш керак. Аввало, панд-насихат, огоҳлантириш, тарғиб қилиш ва қўрқитиш лозим. Бу фойда бермаса, тўшакда унга орқа қилиб, сўнг бир хонада алоҳида тўшакда ётиш керак. Аммо ўзини хонада ёлғиз ётқизиш ярамайди. Бир кечадан уч кечагача шундай ётса бўлади. Агар бу ҳам фойда бермаса, хотинни ранжитадиган аммо жасадини қонатмай ва зарар етказмай уради. Хотинни юзига, бошига, қорнига, белига ва баданининг зарарланадиган қисмига уриш мумкин эмас. Нисо сурасининг 34-ояти мазмуни шундай: «**Исён этиш белгилари намён бўлган аёлларга панд-насихат қилинг, тўшакда бошқа ётинг, уринг. Агар сизларга итоат этишга қайтсалар, уларга зулм этиб, бошқа йўл изланг**».

Бу ўринда шуни айтиш зарур. Мазкур мазмунли оятда руҳсат этилган уришнинг шarti бор. Исён ва ахлоқсизлик фақат аёлдан содир бўлиб, эр икки босқични, насихат ва тўшакни бошқа қилиш босқичини ўтаганидан сўнг ҳам аёл қайсарлигидан қайтмаган бўлса, эр уни одоб бериш юзасидан урса бўлади.

Мазкур мазмунли оят хотинини арзимас камчилиги учун саваловчи ва хотинни уриш эрнинг ҳаққи деб даъво этувчи жоҳил эркакларнинг далили эмас. Хотинларини, тажанглик ва ахлоқсизлик қилмасалар-да, урадиган эрлар жоҳил эрлардир. Расу-

лудлоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, феълларига риоя этмаганлардир. Пайгамбаримиз хотинларини асло урмаганлар, панду насихат ва тўшакни бошқа қилиш билан кифояланганлар.

12. Эр хотинининг ифратини сақлаши лозим. Хотинни ҳаромдан ҳимоя қилиш эрга вожибдир. Бу нарса ўз хоҳишини хотини эътиборга олишини истаганидек, хотиннинг хоҳишини ҳам, хусусан қўшилиш чоғида, эр эътиборга олиши билан бўлади.

13. Эр хотинни сўз билан ҳам, феъл билан ҳам сўкиб, айблаб, ҳақоратлаб, ёмонлаб пастга уриши, унинг жисми, хулқини оиласиё яқинларини камситмаслиги керак. Зеро, бундай ишлар мусулмон ахлоқига мутлақо тўғри келмайди.

14. Эр хотинини яхши кўрса, жуда ҳурматлаши лозим, ёмон кўрса, зулм қилмаслиги керак. Истаса, чидаб яшасин ё яхшиликча ажралсин. Аёлни фақат мардлар қадрлайди, пастлар хорлайди.

#### Саволлар ва жавоблар

**Савол.** Эрни хотинидан олдинга қўйиш аёл ҳақларини поймол этиш бўладими?

**Жавоб.** Йўқ. Балки, аёлни ота ва эрга бўйсунмасликча чақириш аёлни ва жамиятни бузиш бўлади. Аёл ота ва эр қарамоғида бўлса, унинг ҳақлари қандай паймол бўлади?

**Савол.** Ибодатли аёл нафл намоз, рўза ва зикрларни қандай этмайди, бироқ эрининг ҳақларида бепарволик қилади. Шу аёл тутган йўл тўғрими?

**Жавоб.** У аёлнинг тутган йўли хато. У фарз ибодатлардан ўзга вақтда эрининг ҳаққига риоя этишга буюрилгандир. Шунинг учун эрининг рухсатисиз нафл рўза тутолмайди. Эрининг ҳаққини адо этиш ҳам тоат ҳисобланади ва унга ажр олади.

**Савол.** Агар эр хотиндан безаниб юришни, уйдан бошқа жойларда, бегоналар олдида сочини очиб юришни талаб қилса, хотин унга бўйсунуши керакми? Агар бўйсунмаса, талоқ билан кўрқитса-чи?

**Жавоб.** Йўқ. Ундай эрга бўйсунуши мумкин эмас. Зеро, Холиққа гуноҳкор бўлиб, махлуққа итоат этилмайди. Эрнинг талоқ билан кўрқитиши аёлни масъулият ва гуноҳдан халос этмайди. Агар айтганидай қилса, аёл гуноҳкор бўлади. Эри ҳам гуноҳкор бўлади. Эрнинг гуноҳи хотиннинг гуноҳидан кўпроқ бўлади. Агар бу эр аёлларнинг ёпиниб юришини маданиятсизлик ва ёмон одат деб ҳисобласа, динда зарур деб билинган шаръий ҳукмларни писанд этмагани учун кофир бўлади. Унга хотин бўлиб қолиш мумкин бўлмайди. Балки ундан ажралиши лозим бўлади.

**Савол.** Эр хотинини уйдан бошқа жойда ишлашдан қайтаришга ҳаққи борми?

**Жавоб.** Ҳа, ҳаққи бор. Биз хотиннинг ишлашида фойдасидан зарари кўп деб ҳисоблаймиз. Оиласини қадрлаган эр турмуш қийинчиликларида чидайдди. Ўзи ва хотинини хатарлар остида қолдирмайди.

Уста ОЛИМ  
таржимаси

Сеҳр-жоду қилиш, унга ишониш инсон ҳаётини заҳарлайди. Бундай номашруъ амал билан машғул бўлиб, тирикчилик қилаётган кимсаларнинг эса охирати барбод бўлади. Эл орасида «бахши» номини олган бу тоифа кишилар оми халқни алдаб, иссиқ-совуқ қиладиган, турли касалликларни ёки бепарзандликни даволовчи (табиб) қиёфасига киришган.

## ОРАДАН ИЛМ КЎТАРИЛСА

Шу нарса маълумки, орадан илм кўтарилса, жаҳолат пайдо бўлади. Жохилларнинг нияти эса, қандай йўл билан бўлсада, мол-дунё орттиришдир. Мен республикамизнинг барча вилоятларида кезиб, ўзимча шу масала юзасидан кузатиш ўтказдим. Жиззах вилоятида сохта бахшилар, фол очувчилар кўплиги мени таажжублантирди. Уларнинг гапларидан, номақбул ишларидан қариндош-уруғларнинг ораси бузилиб, ёру дўстларнинг, қўни-қўшниларнинг муносабатлари чигаллашиб қолмоқда. Ҳозирги кунда айрим чекка қишлоқларда бу каби «бахши»ларнинг саноғи ортиб борапти.

«Бахши»лар, фолчилар охиратини ўйламай иш тутадилар. Зотан, сеҳр-жоду билан шуғулланувчиларнинг охирати куйиб кетиши аниқ. Назаримда, покиза динимизга, шариатимиз тамалларига мос келмайдиган бундай хурофий амалларга маҳалла оқсоқоллари, масжид имомлари ва кенг жамоатчилик ҳамкорликда чек қўйишлари керак.

Шухрат ҚОДИРОВ,  
Жиззах



# УМРИМИЗ БОҒЛАРИ ЯШНАСИН

*Рамазон рўзасида инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига, нафс тарбиясига боғлиқ кўп ҳикматлар бор. Бу ойнинг баракотлари ҳақида Пайғамбаримиздан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, жуда кўп ҳадислар ривоят қилинган. Бугун биз бу масалага талабалар, яъни, ҳозирги кун ёшлари нигоҳи билан ёндашишга уриндик.*



**Музаффар ИБРОҲИМОВ,**  
*Ўзбекистон Миллий университети:*

– Талабаликнинг биринчи йиллари эди. Бир куни факултети-мизда ўтказиладиган тадбир бўйича баъзи масалаларни ҳал қилиш учун йиғилдик. Гапдан гап чиқиб, икки талаба тортишиб қолди. Баҳс тобора авж олиб борарди. Ногоҳ улардан бири жим бўлиб қолди. Кейин ўзининг рўзадорлигини айтиб, ортиқ баҳслашмасликни ва мураса йўлини танлашни таклиф қилди. Иккинчи талаба ҳам ҳеч қандай эътирозсиз бунга рози бўлди.

Рамазон ҳалимлик, очиқкўнгиллик оёи. Қалбида имони бўлган киши ҳеч бўлмаса бу ойнинг ҳурмати учун турли ноҳўя сўзлардан, ғийбатдан сақланишга интилади, бировнинг дилини оғритмасликка, ёру биродарларининг кўнглини овлашга ҳаракат қилади.

Агар қулоқларимиз гапира олганида эди, назаримда, улар ҳар куни Аллоҳдан Рамазоннинг тезроқ келишини дуо қилиб сўраган бўларди. Чунки улар бу муборак ойда нафақат мулойим, дилларни яйратувчи сўзларни, шунингдек, ҳар куни ўқиладиган, қалбларга ҳузур ва осудалик бахш этадиган хатми Қуръонларни тинглашга интизор бўладилар.

**Дилдора ТУРОНОВА,**

*Жаҳон тиллари университети:*

– Инсонни, жамиятни тубанликка етакловчи нарсалар нафс ва турли хил беадоқ, бемаъни хоҳиш-истаклардир. Ҳар бир ка-

салликнинг даво чоралари бўлганидек, бу каби маънавий «касаллик»дан қутулишнинг йўли рўзадир. Чунки рўза воситаси билан инсон нафсини ортиқча нарсалардан тийиб, қалби Аллоҳнинг ёди билан банд бўлади, бу билан маънавий-руҳий олами ҳам тартибга тушади.

Лекин, минг афсуслар бўлсинки, Рамазон ойида кўчакўйда нафақат ёшлар, балки ёши улуг кишиларнинг ҳам бемалол тамадди қилиб ўтирганларини кўриб қоламиз. Бундай ҳолатлар фақатгина рўзадорларга озор бериш эмас, балки, Рамазони шарифдек муборак ойда ҳурматсизлик ҳисобланади.

**Жамшид ҚОДИРОВ,**

*Тошкент молия институты:*

– Рамазон ойи файзу таровати билан бошқа ойлардан кескин фарқ қилади. Ушбу ойда тутилган рўза ҳақиқий ва холис тавба, шукр калити бўлиб, кунлик эҳтиёжимизга айланган неъматларни бекаму кўст бизга етказиб турган Зотни англаб етишимиз учун муҳит яратади. Чунки бошқа пайтларда унчалик аҳамият бермайдиганимиз бир бурда нон ифторлик вақтида Аллоҳ томонидан берилган улуг неъмат эканини ҳис қиламиз.

Биз ёшлар ҳаётимизнинг чексиз имконият эшиклари очилган даврида турибмиз. Шунинг учун бу ганимат дамларни зое кетказмай, умр боғларини муносиб парваришлаб, гўзал меваларга эришиш учун ҳаракат

қилишимиз зарур. Бунда Рамазон бизга қулай ва жуда ганимат фурсатдир.

**Шаҳноза АЗИЗОВА,**

*Тошкент Давлат педагогика университети:*

– Рамазон ойининг хусусиятларини санайдиган бўлсак, на қалам, на қоғозимиз етади. Уларнинг адади ёлғиз Аллоҳгагина маълумдир.

Рамазон рўзаси, авваламбор, Ҳақ таоло томонидан буюрилгани билан фазилатлидир. Рўза фақат ибодат бўлибгина қолмай, бу ойда инсон тана тузилишидаги барча ҳужайралар дам олади. Ўзининг мустаҳкам бўлиши учун куч-қувват йиғишга имкон ҳозирлайди.

Киши меъеридан ортиқча ейиш-ичиш оқибатида сурункали касалликларга чалиниши мумкин. Замонавий тиббиёт бундай хасталикларни рўза тутиш билан даволаш мумкинлигини таъкидлаётир. Ҳатто жаҳондаги бир қатор нуфузли тиббиёт университетларида рўза билан даволаш усули йўлга қўйилган.

Яна бир нарсани эсдан чиқармаслик лозим, рўзадор киши фақат саҳардан ифторгача оч юриш билан чекланмасдан, тилини ғийбатдан тийиши, ёмон сўз гапирмаслиги, яъни, гўзал ахлоқ ва фазилат билан зийнатланмоғи керак.

**Маҳмуд МАҲКАМ**

*тайёрлади*

Алишер Навоий асарларида арабий иборалар, жумладан, Куръони карим, ҳадиси шарифлардан иқтибослар жуда ҳам кўп. Чунончи, «Лисонут-тайр»да шундай байтни ўқиймиз:

*Сиз тушуб ул шоҳидин беҳад баъид,  
Ул яқинроқ сизга «мин ҳаблил варид».*

(«Лисонут-тайр», XV боб)

Иккинчи мисрадаги белгиланган жумла Қоф сурасининг 16-оятидан олинган: «*Наҳну ақробу илайҳи мин ҳаблил варид*» (Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз).

учундир ва унинг мукофотини мен бераман) бўлиб, Алишер Навоий уни дostonнинг XXIV бобида қўллайди:

*Савм ҳадисида бўлур мужмали.  
Ким ани Ҳақ деб дурур «Ас-совму лий».  
Савми эмас, доғи машаққат ниҳи  
Муждада бўлса «ана ажзи биҳи».*

Ақоидлардан олинган иборалар ҳам иккита:

*Ул чу эсиб тоза ва гар худ куҳун  
Бир дам аро «кана каан лам якун».*

«Кана каан лам якун» — «худди бўлмагандек

## МОҲИРОНА САНЪАТ БИЛАН

### “Ҳайратул аброр”да арабий иборалар

«Ҳайратул аброр»да қўлланилган арабий иборалар мавзу ва ғоявий мақсадига кўра беш турлидир:

1. Ояги карималар:

*Чун деди Тенгрики, «кулу вашробу»,  
Ёнида дедики, «ва ла тусрифу».*

2. Ҳадиси қудсийлар:

*Савми эмас доғи машаққат ниҳи,  
Муждада бўлса «ана ажзи биҳи».*

3. Ҳадиси набавийлар:

*Кимки мунга даъвию хужжат етар,  
«Кунту набиййан» анга хужжат етар.*

4. Ақоидлар:

*Эй санга, мабдаъда абаддек азал,  
Зоти қадиминг абадий «лам йазал».*

5. Жумлаи дуоиялар:

*«Хойро санои лимуфийзил карам»,  
Ким карамидин эрур эл муҳтарам.*

«Ҳайратул аброр»даги ҳадиси қудсийлар сони атиги иккитадир. Аслида, бу бир ҳадиси қудсий — «Ас-совму лий ва ана ажзи биҳи» (Рўза мен

бўлди, маъносида. Иккинчиси: *Эй санга, мабдаъда абаддек азал, Зоти қадиминг абадий «лам йазал».*

«Абадий лам йазал» — ҳамиша абадий, ниҳоясиз, охири, чегараси бўлмаган. Форсий изофа шаклидаги бирикма «лам йазал» Маҳмуд ат-Тарозийнинг «Ал-фикҳул акбар» (*Жидда, 1983, 8-бет*) китобида келтирилган «лам йазал олимани би илмиҳи» (*У ҳамиша ўз илми билан билувчидир*) ақоидидан олинган.

Жумлаи дуоиялар араб тилшунослигида иккига ажратиб ўрганилади. Уларнинг бир тури Н. Улуқов томонидан тадқиқ этилган ва буюқларнинг номлари зикр қилинганда айтиладиган «алайҳиссалом», «розийаллоҳу анҳу», «қуддуса сирруҳу», «раҳматуллоҳи алайҳ», «алайҳир-роҳма вал мағфира» каби иловалар бўлса, иккинчиси бошқа турдаги дуолардир. «Ҳайратул аброр»да шундай дуолардан учтаси қўлланган:

*«Хойро санои лимуфийзил» карам,  
Ким карамидан эрур эл муҳтарам.  
Ҳокими одил бўлибон ҳукмрон,  
«Дома лаҳул мулк ва лаҳул ҳукму шаън».  
«Аззама қодроҳ» — бу не хулқи азим,  
«Каррама важҳаҳ» — бу не нафси карим.*

Арабий иборалар “Ҳайратул аброр” мисраларида шундай моҳирона санъат билан сингдирилганки, улар ҳам шаклан, ҳам мазмунан адабий матн билан бир бутунлик ҳосил қилади.

Комилжон РАҲИМОВ,

Бухоро Давлат  
университетининг  
талабаси





## МАСЖИДУЛ АҚСО

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Масжидул Ақсо Сулаймон, алайҳиссалом, томонидан қурдирилган. Абу Зарр, розийаллоҳу анҳу, Масжидул Ақсо ҳақида шундай ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ер юзида қурилган илк масжид қайси деб сўраганимда, «Масжидул Ҳаром», дея жавоб бердилар. «Кейин қайси бири қурилган?» деб сўрадим. «Масжидул Ақсо», дедилар» (*Бухорий, Муслим*).

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, яна бир ҳадисларида шундай марҳамат қиладилар: «Сафар фақат уч масжидга — менинг шу масжидимга, Масжидул Ҳаромга ва Масжидул Ақсога бўлади» (*Муслим, «Китобул Ҳаж»*). Бу ҳадисда тилга олинган сафар ибодат ниятида қилинган махсус сафардир. Шу сабабли Масжидул Ақсо муқаддас масжидларнинг учинчиси ҳисобланади.

Масжидул Ақсонинг яна бир хусусияти шуки, бу ерда Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Исро ва Меъроҷ воқеаларининг рўй беришидир. Аллоҳ таоло Ал-Исро сурасининг биринчи оятида шундай буюради: «(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оятмўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Мақкадаги) Масжидул Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул

Ақсога сайр қилдирган пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи зотдир».

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, меъроҷга чиққан вақтларида Қуддус шаҳрида ҳозиргидек масжид йўқ эди. Ҳазрати Сулаймон, алайҳиссалом, даврларида қурилган масжид

милодий 70 йилда рўй берган вайронагарчиликда йиқитилган эди. Ҳозирги кунда яҳудийлар «Йиғи девори», мусулмонлар «Буроқ девори» деб атайдиган девор Сулаймон, алайҳиссалом, қурдирган ибодатхонанинг қолдиғидир.

Милодий 638 йили Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, даврида Қуддус фатҳ этилгач, Байтул Мақдис ўрнида Масжидул Ақсо қурилди. Масжидул Ақсо кейинчалик умавий халифа Абдулмалик ибн Марвон даврида кенгайтирилди. Саккиз бурчакли Куббат-ус Сахро ибодатхонаси ҳам Абдулмалик ибн Марвон томонидан қурдирилган.

Қуръони каримнинг бошқа оятларида ҳам Масжидул Ақсога ишоратлар бор. Масалан, Марям сурасининг 11-оятида Аллоҳ таоло буюради: «**Бас**, (Закариё) меҳробдан қавмининг олдига чиқиб, уларга эртаю кеч (Аллоҳни) поклаб, — ибодат этишни ишора қилди». Бу ўринда «**меҳроб**» Масжидул Ақсо, яъни, Байтул Мақдисдир. Ол-и Имрон сурасининг 31-ояти мазмуни шундай: «**Бас**, Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди ва унга Закариёни кафил қилди. «**Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдига — ҳужрага кирганида, унинг хузурида бир ризқ-насиба кўрди**». Марям ўтирган «ҳужра» ҳам Масжидул Ақсодир. Демак, Ҳаз-

рати Закариё, Ҳазрати Марям ва Исо, алайҳиссалом, даврларида Масжидул Ақсонинг эски иморати мавжуд бўлган.

Барро ибн Озиб, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилади: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Байтул Мақдис томон қараб ўн олти ёки ўн етти ой намоз ўқидилар. Расули Ақрам, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Каъба тарафга қараб намоз ўқишни орзу қилардилар. Шунда оят нозил бўлди: «**Тоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатт Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром (Мақка) томонга буринг!** (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз!» (*Бақара, 144, мазмуни*) (*Бухорий, Муслим ривояти*).

Демак, Масжидул Ақсо мусулмонларнинг илк қибласи бўлгани учун ҳам Ислому тарихида муҳим ўрин тутди.

Қози Байзовий тафсирида «Масжидул Ақсо» ибораси қуйидагича изоҳланади: «Бу ном билан Байтул Мақдис таъкидланган. Чунки у пайтда Қуддусда масжид йўқ эди».

Машҳур тафсир олимларидан Қосимий «ақсо» сўзи «энг узоқ» маъносини беради, яъни, Масжидул Ақсо Мақкага нисбатан узоқда жойлашгани учун шундай номланган, деб изоҳлайди.

Абдуллоҳ ибн Умардан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай буюрадилар: «Сулаймон, алайҳиссалом, Масжидул Ақсонини қураётганида Раббидан уч нарсани: биринчиси, ўзига ҳукм берилишини, иккинчиси, ундан кейин ҳеч бир банд эриша олмайдиган салтанат берилишини ва охиригиси кимки Масжидул Ақсода намоз ўқиш ниятида уйдан чиқса, онасидан туғилгандек гуноҳларидан фориг бўлишини сўради. Унинг иккита хоҳиши амалга ошди. Мен учинчисининг ҳам амалга ошганидан умидворман» (*Аҳмад ибн Ханбал, Насоий, Ҳоким*).

Маҳмуд МАҲКАМ

тайёрлади